Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 252 (6.443) 1987 йил 6 ноябрь, жума Баҳоси 3 тийин

В. И. ЛЕНИН номидаги майдонда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси қатнашчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг доҳийси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори хотирасини ҳурмат билан эслаш учун 5 ноябрь куни Тошкентнинг В. И. Ленин номидаги марказий майдонига келдилар. В. И. Ленин ҳайкали пойига гулдасталар қўйилди. Қирмизи лентага: «Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларидан Владимир Ильич Ленинга» деган лавҳа ёзилганди.

Мажлис қатнашчилари социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, халқларнинг тинч ҳаёти ва бахт-саодати учун фашизмга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган совет жангчиларига чуқур ҳурмат бажо келтирдилар. Улар Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси президиуми.

А. Авазов, В. Лещенко, Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Тошкент, В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги кўйи. Бу ерда 1987 йил 5 ноябрь куни эрталаб соат 11 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси айрамона кўтаринкилик ва ишчанлик вазнятида очилди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ленин партияси ветеранлари, революцион жангчиларнинг иштирокчилари, Совет ҳокимятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун актив курашчилар, Улуғ Ватан урушн ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда РСФСРнинг Иваново области делегацияси, чет эллик меҳмонлар — Монголия Халқ Республикасидаги Эрдэнэт шаҳрининг, Афғонистон Демократик Республикаси Саманган вилоятининг делегациялари ҳозир бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг раиси ўртоқ Р. Н. Нишонов кириш сўзи билан очди.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат Гимнлари янгради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси составн тантанали мажлис фахрий президиумига яқдиллик билан сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев «Ленин васиятлари асосида, Октябрь йўлидан» мавзуида доклад қилди.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари ва меҳмонлари нутқ сўзладилар.

Тантанали мажлисда Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг пўлат эритувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советн Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Маршалов сўзга чиқди.

Мажлис аҳли Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов нутқнни самимий кутиб олдилар.

РСФСР Иваново области делегациясининг раҳбари, халқ депутатлари Иваново область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ О. А. Рогов тантанали мажлис қатнашчиларини табриклайдн.

Қорақалпоғистон АССР Олий Советн Президиумининг раиси ўртоқ Т. А. Ешмбетова сўзга чиқади.

Қаҳрамон совет Қуролли Кучларининг вакиллари—Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи жангчилари тантанали мажлис қатнашчиларини табриклайдилар.

Сўнгра Фарғона область Охунбобоев районидаги В. И. Ленин номли колхоз правленнесининг раиси ўртоқ К. Й. Охунбобоевга сўз берилади.

Монголия Халқ Республикасининг Эрдэнэт шаҳри делегацияси раҳбари, Эрдэнэт шаҳри ижрокомн раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Чулуубат Гунсэнгийн табрик сўзи айтади.

Мажлисда СССР халқ артисти ўртоқ Сора Эшонтўраева сўзга чиқди.

Мажлис қатнашчилари Афғонистон Демократик Республикаси Саманган вилояти делегациясининг раҳбари, Саманган вилояти ижроия комитетининг секретари ўртоқ Қиёмаддин Шоҳаб нутқнни қизғин кутиб олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясн 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси якунлари деб эълон қилинади.

Партия гимни «Интернационал» тантанавор янграйдн.

ОКТЯБРЬ, РЕВОЛЮЦИЯ, ҚАЙТА ҚУРИШ

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланди. Мажлис 5 ноябрь куни Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, республика Олий Советининг депутатлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ўн иккинчи беш йиллик зарбдорлари шу саройга йиғилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров,** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **Т. А. Ешимбетова,** республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари **Ғ. З. Заҳриддинов, И. И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков,** СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **В. А. Жонибеков** мажлис президиумидан жой олдилар.

Президиумда область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари, Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, социалистик Ватан жанговар ва меҳнат зафарларининг қаҳрамонлари, фан ва маданият арбоблари ҳам бор эдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини республика Олий Совети Президиумининг Раиси **Р. Н. Нишонов** кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўртоқ Р. Н. Нишоновнинг кириш нутқи

Азиз ўртоқлар!

Чет эллик ҳурматли меҳмонлар!

Бугун биз сизлар билан бирга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини нишонлаш учун мана шу муҳташам зал гумбазлари остига йиғилдик.

Шонли юбилей муносабати билан биз Владимир Ильич Ленин йўлбошчиси ва илҳомчиси бўлган революциямизнинг улуғворлигини яна ҳам тўлиқроқ ва чуқурроқ идрок этиб, англаймиз. Бу революция кашшофларининг синаб кўрилмаган истиқбол сари жасурона ёриб ўтиши бўлган эди. Қаҳрамонона Октябрь жаҳон тарихининг бутун боришини тубдан ўзгартириб юборди, инсоният тақдирига ҳал қилувчи таъсир ўтказди, муқаррар жараён — капитализмни янги, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмаштириш жараёнини бошлаб берди.

Совет кишилари фидокорона кураш ва илҳомбахш меҳнат билан ўтган ўн йиллар мобайнидаги барча ғалабаларга фахр-ифтихор туйғуси билан назар ташламоқдалар.

Биз ҳаммамиз Москвадаги юбилей тантаналарининг гоят тўлқинлантирувчи таассуроти билан яшаяпмиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладида партия ва халқ Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин босиб ўтган йўл марксча-ленинча илмий асослаб анализ қилинди, тарихий ўзгартишларнинг якунлари чиқарилган, мамлакатимизда социалистик қурилиш погоналари босқичма-босқич ёритилган, ҳаётимизнинг машаққатли йиллари, ажойиб ютуқлар саодати ва муваффақиятсизликлар қайғу-аламн реализм позициясида туриб, партиявий принципиаллик билан ва большевикларга хос рўйрост кўрсатиб берилган.

Биз беш йилликларнинг гоят зўр шавқ-завқини, индустрлаштириш ва коллективлаштириш одимларини, маданият чўққилари забт этилишини яна бир бор ҳис қилгандек бўлдик. Биз Улуғ Ватан урушининг унутилмас суронли ва шавкатли даврларини яна бир марта бошдан кечиргандек, фашизмга қарши курашда халқнинг ўлмас жасоратини қалбимизга яна бир карра жо қилгандек бўлдик.

Тинчлик ва коммунистик бунёдкорлик йўлидан олға томон бундан буёнги ҳаракатимизнинг янги мақсад ва вазифалари, кенг миқёсли программаси кўз ўнгимизда илҳомбахш ва масъулиятли тарзда намоён бўлди.

Октябрь Ватани, Советлар мамлакати планетада қудратли социалистик давлат сифатида қад кўтариб, халқ ҳокимиятини, интернационализмни, инсонпарварлик идеаллари, инсоний идеалларни амалда мужассамлаштирмоқда. Биз кўпмиллатли тузумимиз билан, бузилмас Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан кучлимиз.

Шуни англаш қувончлики, Ленин партияси раҳбарлигидаги совет республикаларининг қудратли ҳамдўстлигида, улуғ рус халқининг, СССРдаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли Ўзбекистонда туб социалистик ўзгартишлар содир бўлди.

Россия империясининг собиқ чекка ўлкаси, ҳар жиҳатдан қолоқ бўлган ўлка тараққиёт сари улкан сакраш қилиб, юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланганлиги, қудратли иқтисодий ва маънавий потенциалга эга бўлиб қолганлиги жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик реал фактга айланди. Республикамизда социалистик революция ғалабасида заводимиз алоҳида роль ўйнади.

Республиканинг муваффақиятлари салмоқлидир. Аммо биз шуни тушунамизки тараққиётимиз йўлида жиддий хатоларга ва ленинча турмуш нормаларидан чекинишларга, турғунлик тенденциялари ва маълум салбий ҳолатларга йўл қўйилмаганида бу муваффақиятлар яна ҳам салмоқлироқ бўлур эди. Биз вазиятни батамом соғломлаштириш, республика экономикаси ва социал турмушининг барча соҳаларида туб силжишларни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, бундан буён ҳам барча зарарли ва тўсқинлик қилувчи иллатларни тағ-томири билан тугатиш йўлида астойдил меҳнат қилиш кераклигини жуда яхши биламиз.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Октябрнинг 70 йиллигини байрам қила туриб, келажакка комил ишонч, эўр умидворлик билан назар ташламоқдалар. Улар қайта қуришни, жадаллаштириш программасини қатъият билан амалга оширишга, севикли Ватанимизни янада ривожлантириш ва равнақ топтиришга қўшадиган ҳиссасини фидокорона куч-ғайратлар билан кўпайтиришга азму қарор қилишган.

Ленин барпо этган партия — Октябрь партияси, қайта қуриш партияси, жамиятни революцион тарзда янгилаш партияси бизни комил ишонч билан олға бошлаб бормоқда. Партиянинг раҳнамолик иродаси, унинг халқ билан чамбарчас бирлиги, уларнинг муштарак ҳаракатлари — КПСС XXVII съездининг йўли рўёбга чиқарилган ҳаётий воқелик бўлиб қолишининг, тўла ғалаба қозонишининг ишончли гаровидир.

Шу залда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Компартия Ревизия комиссиясининг аъзолари ўтиришибди. Биз улар орқали КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлмиш бизнинг бутун республика партия ташкилотимизни қизғин табриклаймиз.

Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, аҳолимиз барча табақаларининг намояндалари бор. Биз уларни табриклар эканмиз, социалистик демократияни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашда уларга ҳамда ҳокимият органлари депутатларининг бутун кўп минг кишилик армиясига катта самара билан ишлашларини тилаймиз.

Шу тантанали дамларда бу ерда ҳозир бўлган Ленин партиясининг ветеранларини, революцион жангчиларнинг қатнашчиларини, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги актив курашчиларни самимий ташаккур ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан табриклаймиз.

Мажлисимизда Улуғ Ватан урушининг ветеранлари қатнашмоқдалар. Фронтда ва фронт орқасида Улуғ Ғалабани қўлга киритганларнинг ҳаммасини шу кишилар орқали табриклаймиз.

Революция ва гражданлар урушининг солдатлари, Октябрь ғалабаларининг шавкатли ҳимоячилари олижаноб хотираси қалбларимизда, ишларимизда ҳамиша яшайверади. Уларга абадий шон-шарафлар бўлсин.

Йиғилиш аҳли орасида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол актнвлари бор. Уларнинг ҳаммасини самимий табриклаб эзгу тилаклар айтамиз.

Шу залдан туриб, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қизғин байрам табриклари ва қутловларини айтиб, уларга сиҳат-саломатлик ва бахт саодат, бардамлик ва куч-ғайрат, Ватан фаровонлиги йўлида катта зафарлар тиласак ҳамманинг фикрини ифода этган бўламан, деб ўйлайман, ўртоқлар.

Тантанали мажлисимизга азиз меҳмонлар — Россия Федерацияси Иваново области меҳнаткашларининг делегацияси келганлигини маълум қилиш қувончлидир. Биз Иваново вакилларининг келишидан хурсандмиз. Улар билан неча ўн йиллар мобайнида анъанавий қардошлик алоқалари ва социалистик мусобақада ўртоқларча ўзаро ёрдам ришталари билан боғланиб келяпмиз. Пахта ўлкаси билан тўқимачилар ўлкаси бунёдкорлар сафида қўлни-қўлга бериб бормоқдалар.

Бу ерда чет эллик азиз меҳмонлар: Монголия Халқ Республикаси Эрдэнэт шаҳрининг делегацияси, Афғонистон Демократик Республикаси Саманган вилоятининг делегацияси ҳозир бўлганликларини маълум қилишдан ҳам хурсандман.

Октябрь тантаналаримизга келганлигингиз учун раҳмат, дўстлар. Биз мамлакатларингиз халқларини самимий қутлаймиз ҳамда уларга фаровонлик ва равнақ тилаб билдирган энг яхши истакларимизни йўллаймиз.

Ўртоқлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини очиқ, деб эълон қилишга рухсат бергайсиз.

* * *

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат Гимнлари янграйди.

Тантанали мажлиснинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиуми яқдиллик билан сайланади.

«Ленин васиятлари асосида, Октябрь йўлидан» мавзуида доклад қилиш учун сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаевга** берилади.

Доклад катта эътибор билан тингланди, қарсаклар билан бўлиниб турди.

* * *

Шундан кейин тантанали мажлис қатнашчилари ва меҳмонларнинг нутқлари бошланди.

РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАР СИНФИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ҲАЛОЛ ВА ВИЖДОНАН ИШЛАЙЛИК

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланаётган кунлар ғоят ҳаяжонли ўтмоқда. Шонли юбилейга бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ М. С. Горбачев қилган доклад бизда чуқур таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, ленинчи партиямиз, она-Ватанимиз ва халқимиз шарафли, айни пайтда ниҳоятда машаққатли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу ҳақда Москвадаги тантанали мажлисда ўртоқ М. С. Горбачев докладида аниқ ва лўнда айтиб ўтилди.

Биз тараққиёт йилларида тотли ва изтиробли дақиқаларни кўп кўрдик. Фидокорлик ва садоқатнинг қувончлари-ю, хатоларимизнинг аччиқ аламларини тотдик.

Ёшим етмишда. Улуғ Октябрь тенгдоши бўлганим билан фахрланаман. Республикамиздаги социалистик революция ғалабасида заводимиз алоҳида роль ўйнади.

Лекин эришилган натижалар биз, кекса авлод вакиллари назарида етарли эмас.

Тантанали мажлисда таъкидланганидек, **«Ишга виждонан муносабатда бўлмасликка ҳозир, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди... Ҳатто биргина ишчи, инженер, олимнинг пала-партишлиги ниҳоятда жиддий оқибатларга айланиб кетиши, жамият учун жуда катта йўқотишлар келтириб чиқариши мумкин».**

Бизда ҳам тез бартараф этиш, ўнглаб олиш зарур бўлган ишлар бор. Заводимиз шонли анъаналарини кўз қорачиғидек сақлашимиз, ҳозирги қайта қуриш, туб бурилиш даврида ҳам Улуғ Октябрнинг дастлабки кунларидаги ҳақиқий революцион руҳ алангасидан ҳаммани баҳраманд этишимиз зарур. Бу ҳар бир ишчининг, бутун коллективнинг виждон бурчидир.

Андрей ЦИЛЮРИК,
Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи токарн, меҳнат ветеранн.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ АСОСИДА, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари *И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади*

Ҳурматли ўртоқлар!

Шу кунларда совет халқи, бутун меҳнат аҳли инсоният ҳаётидаги шонли санани нишонламоқда. Етмиш йил муқаддам мамлакатимизда рўй берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихининг бурилиш воқеаси бўлди, ижтимоий тараққиётнинг янги даври бошланганидан дарак берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизларни, сизлар орқали қаҳрамон ишчилар синфини, меҳнаткаш деҳқонларни, халқ зиёлиларини, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчиларини, республиканинг барча меҳнаткашларини шонли Улуғ Октябрь байрами билан астойдил ва самимий табриклашга, янгидан-янги катта муваффақиятлар, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилашга рухсат этгайсизлар.

Шонли Октябрь байрами алоҳида аҳамиятга эгадир. Партия ва халқ меҳнаткашларининг дунёда биринчи давлати юбилейини жанговар, ижодий кайфият билан кутиб олмоқда, Октябрь революцион анъаналари, ғоялари ва ишларининг шунчаки ворислари эмас, давомчилари ҳам бўлишдек зарур бурчни қатъий англаб турибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг шу йил 2—3 ноябрь кунлари Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтган қўшма тантанали мажлисида шу фикр янги куч билан таъкидланди. Мажлис байрамона кўтаринкилик, ишчанлик ва якдиллик вазиятида, ғоят ошкоралик, қатъий талабчанлик ҳамда тинчлик ва социализм ишининг тақдири учун революцион масъулият муҳитида ўтди.

Қўшма тантанали мажлисда 119 мамлакатдан 163 та делегация қатнашганлиги унинг юксак ваколатли характеридан, Совет давлатига, партиямиз билан халқимизга ҳурматдан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги доклади тантанали мажлиснинг асосий воқеаси бўлди. Мана шу жуда муҳим сиёсий ва ғоявий-назарий ҳужжатда ички ва халқаро ривожланиш чуқур, марксча-ленинча анализ қилинди. Партия билан халқнинг қийин, аммо катта ва қаҳрамонона йўли ҳар томонлама таҳлил этилди, Ватанимизнинг улуғвор ва муаззам қиёфаси кўрсатиб берилди, Совет жамиятини қайта қуриш, янгилаш ва янада takомиллаштириш Ер юзида тинчлик ва социал тараққиётни мустаҳкамлашнинг амалий программаси Ленин васиятлари руҳида таърифланди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам М. С. Горбачев докладида баён этилган фикр ва хулосаларни якдиллик билан астойдил маъқуллайдилар, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини бажонидил қўллаб-қувватлайдилар ва Октябрнинг улуғ ишини фидокорона меҳнат билан давом эттиришга тайёр эканликларини билдирадилар.

«Халқнинг меҳнати ва кураши, — деб уқтирди М. С. Горбачев ўз докладида, — унинг эркин танлаб олган мақсадга эришиш йўлидаги чексиз қатъияти, унинг қувончлари ва ғам-ташвишлари — мана шуларнинг ҳаммаси революцион қайта қуриш йўлидан бораётган бугунги социализмнинг реаллигида мужассамлашди. Октябрнинг кучи, давом этаётган революциянинг кучи ҳам мана шундадир».

1917 йил шуни кўрсатдики, социализмни ёки капитализмни танлаб олиш — давримизнинг энг муҳим социал йўлидир, XX асрда социал ташкилотнинг юксакроқ формаси — социализм сари бормай туриб, олға ҳаракат қилиб бўлмайди.

Октябрь ғалабасига ишчилар синфи Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги Большевиклар партияси раҳбарлигида эришди. Ҳамиша бўлганидек, ҳозир ҳам Ленин бизга ҳамдамдир, унинг васиятлари ва революцион руҳи бутун турмушимизга сингиб кетган. Ўзини социализмнинг улуғ ишига бағишлаган барча кишилар ҳам бугун бизга ҳамдамдирлар. Ильичнинг сафдошлари, Россиядаги ҳар уч революциянинг қатнашчилари, 1917 йил октябрида помешчиклар билан капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлаган революционерларнинг табаррук хотираси мангу яшайди. Гражданлар уруши қаҳрамонларининг, дастлабки беш йилликлар шижоаткорларининг номлари ва сиймолари асло сўнмайди. Улуғ Ватан уруши даврида солдатлар ва меҳнатчиларнинг, социалистик мамлакатимиз барча мард ватанпарварларининг жасорати мангу барҳаётдир.

Лениннинг социализм қуриш плани билан қуролланган совет халқи жамиятни янги негизларда қайта қуриш учун мислсиз кураш бошлаб юборди. Социалистик қурилиш шароити бениҳоя мураккаб ва оғир бўлди. Очлик ва юпунлик, интервенция ва гражданлар уруши, қўпорувчилик ва зимдан қаршилик кўрсатиш, иқтисодий қамал ва мафкуравий тазйиқ, фашистлар агрессияси ва атом дўқ-пўписасини бошдан кечирдик. Аммо мамлакатимиз бардош бериб, ғалаба қозонди. Эндиликда Совет Иттифоқи жаҳондаги улуғ давлатдир, унинг сиёсий обрўйи, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати тинчлик ва социал тараққиёт ишига самарали хизмат қилмоқда.

1917 йилнинг 7 ноябри биздан олислаша борган сайин Октябрь ғалабасининг улуғворлиги, унинг жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришга, инсоният тақдирига таъсири тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. «Аврора» тўпидан отилган ўқ, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «Тарихдаги энг буюк, энг қийин ўтиш» — капитализмдан социализмга ўтиш бошланганидан дарак берди. Россиядаги пролетар революцияси барча қитъалардаги меҳнаткашларнинг кўп миллионли оммасини ҳаракатга келтирди, жаҳонга туб социал проблемаларни ҳал этиш намунасини кўрсатди».

Ер юзида социализм муқаррар реаллик тарзида қарор топди, у ҳақиқатда XX аср қиёфасини ўзгартириб юборди, мутлақо янги ташқи сиёсатга асос солди. Партиямизнинг бутун халқаро фаолияти шундан дарак беради: урушсиз, қурол-яроғсиз дунё — социализмнинг олий мақсадидир. Совет кишилари ядро уруши ҳалокатининг олдини олиш учун қардош социалистик мамлакатлар, ишчилар ва коммунистик ҳаракат билан, озодликка чиққан мамлакатларнинг халқлари, оммавий демократик ҳаракатлар билан бир сафда туриб курашмоқдалар.

Аммо ҳозирча халқаро реакция тарих ғилдирагини орқага буриб юбориш йўлидаги уринишларидан воз кечмаган экан, КПСС мамлакатнинг мудофаа қудратини муносиб даражада сақлаш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Халқимиз ва унинг раҳбарларининг барча кучлари XXI аср бўсағасида давлатлар ядро қуролидан халос бўлишларига, халқаро ишларда янгича тафаккур қарор топишига қаратилган.

«Ҳозир бизнинг вазифамиз, — деган эди В. И. Ленин 1918 йилдаёқ, — социализмнинг бу кучини, шу социалистик машъални, бутун дунёга актив таъсир қилиб турган ана шу социализм манбаини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва сақлаб қолишдан иборатдир». Ҳозир, орадан 70 йил ўтгач, социализм машъали ловуллаб турибди. Айни Октябрь, айни социализм инсониятга келажак йўлларини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда КПСС-нинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, жамият ва ишлаб чиқариш турмушини қайта қуриш, демократиялаш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган новаторлик йўлини астойдил маъқулламоқдалар ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЛЕНИНЧА БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўртоқлар! Большевиклар партияси, бутун совет халқи Ленин белгилаб берган программани бажариб, жуда қисқа тарихий муддатда мамлакатни индустрлаштирди, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қурди, маданий революция қилди, ўз малакали кадрларимизни тарбиялаб етиштирди, фан ва техникани ривожлантириш учун кенг уфқ очиб берди.

Мамлакатнинг иқтисодий қиёфаси тубдан ўзгарди, 70 йил мобайнида СССРнинг миллий даромади 155 баравар кўпайди. СССРнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улуши бир процентдан 20 процентга кўтарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жиҳатидан мамлакатимиз Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринда турибди. Халқ фаровонлиги даражаси анча ошди. Пролетариат диктатураси давлати ўсиб, умумхалқ социалистик давлатига айланди.

Социалистик қурилиш давомида энг мураккаб масалалардан бири — миллий масала ҳал этилди. Миллий зулм ва ҳуқуқий тенгсизликка абадий барҳам берилди. Янги социал ва интернационал бирлик — совет халқи вужудга келди. Собиқ миллий чекка ўлкаларнинг тез иқтисодий, социал ва маданий тараққиёти таъминланди. Яхлит давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи доирасида тарихда биринчи марта ноёб интернационал ҳамжамият вужудга келтирилди.

Совет халқларининг дўстлиги Октябрнинг улуғвор ғалабаларидан биридир.

Совет кишилари эришган ва фахрланадиган ютуқларнинг ҳаммаси социалистик тузум билан, СССР барча миллат ва элатларининг ҳаётбахш дўстлиги билан чамбарчас боғланган. Мамлакатимиз халқлари ленинча миллий сиёсатнинг улкан ютуқларини таъкидлаш билан бирга улуғ рус халқининг беғаразлиги, чинакам интернационализми, эркин ва тенг ҳуқуқли республикалар социалистик иттифоқини барпо этиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, Советлар мамлакати барча халқларининг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётига қўшаётган бебаҳо ҳиссаси учун унга чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик бажо келтирадилар.

Улуғ Совет Иттифоқини ташкил этувчи қардош иттифоқдош республикаларнинг ҳар бири каби Ўзбекистон ССР ҳам партия миллий сиёсатининг ёрқин тимсолидир. Республика ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари Советлар мамлакатига мансуб эканликларини муқаддас билиб қадрлайдилар, Ленин васиятлари асосида, интернационал қардошлик қонунларига мувофиқ яшаш ва ишлашдан бахтиёрдирлар.

Октябрь ғалабаси туфайли ўзбек халқи бошқа халқлар билан биргаликда ўзининг социалистик давлатини барпо этди, чинакам озодликка, туб социал ўзгартишлар учун кенг имкониятга эга бўлиб қолди.

Ўзбекистон территориясидаги экономика нақадар ночор бўлганлиги, мустамлакачилик ва феодал истибдод зулми шароитида яшаган халқ оммаси нақадар ҳақсиз-ҳуқуқсиз ва қолоқ бўлганлиги етмиш йиллик юбилей чўққисидан, айниқса, яққол кўриниб турибди. Октябрь, Ленин, Коммунистик партия Ўзбекистон меҳнаткашларининг янги, бахтиёр ҳаёт йўлини очиб бердилар.

Ленин Маркс билан Энгельснинг ғояларини ривожлантириб, миллий масалани ҳал этишнинг мазлум халқлар эзгу орзу-умидларига мос келадиган программавий принципларини таърифлаб берди. У меҳнаткашларни социал ва миллий жиҳатдан озод қилиш вазифалари чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Фақат ишчилар синфининг ғалабаси, эксплуататорлик тузумининг тугатилишигина халқлар ўртасида янги муносабатлар ўрнатилишини таъминлай олиши мумкин эди.

Коммунистик партиянинг асосчиси Шарқ халқларининг тарихий тақдирига катта эътибор берди. У шу халқларнинг революцион имкониятлари ва ижодий кучларига астойдил ишонар эди. Лениннинг миллий-мустамлака масаласига оид назарияси ва Коммунистик партиянинг шу масалага доир программаси миллий-озодлик ҳаракатининг байроғи бўлиб қолди. Мазлум халқларнинг йўлбошчиси бўлган рус ишчилар синфининг тарих майдонига чиқиши Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантиришга революционлаштирувчи таъсир ўтказди.

Ленин ғоялари билан қуролланган большевиклар ишчиларни курашга отлантирдилар, Ўрта Осиёда кучайиб бораётган революцион ҳаракатни қўллаб-қувватладилар. В. И. Ленин большевикларнинг VII (апрель) конференциясида сўзга чиқиб бундай деган эди: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўл остида яшашини мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз».

Шу тариқа Октябрь чинакам халқ революцияси бўлиб қолди, унинг ягона оқимида пролетарларнинг социализм учун кураши, деҳқонларнинг ер учун кураши, мазлум халқларнинг миллий-озодлик кураши, меҳнаткашларнинг империалистик урушга қарши кураши қўшилиб кетди.

Ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш осон иш бўлмади. Халқ ҳокимияти узил-кесил қарор топгунча жуда кўп куч-ғайрат сарфлаш, Совет Россиясининг ёрдам бериши керак бўлди, кўпгина тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди. Лениннинг даҳоси, унинг қолоқ халқлар социализмга ўтиши тўғрисидаги таълимоти феодал ўтмишдан олға силжиш йўлини ёритди. Бу ғоялар Ўрта Осиёдаги хилма-хил конкрет шароитга ижодий татбиқ этилди. Ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир соҳасида партиянинг ҳал қилувчи ғоявий ва ташкилотчилик роли сезилиб турди, мамлакатимиз халқларининг ва аввало, рус халқининг ҳар томонлама ёрдами намоён бўлди.

В. И. Ленин ўзининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» тарихий хатида Туркистон халқлари билан қардошлик муносабатлари ўрнатиш Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси учун жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шундай муносабатлар ўрнатиш йўллари ва усулларини топиш учун жуда кўп зўр қатъият, сабр-матонат, маҳорат керак бўлди.

Интернационал бурчига садоқатли партия Туркистон, Бухоро ва Хоразм ёш коммунистик ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам берди. Уларни мустаҳкамлашга Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари комиссияси, партия Марказий Комитетининг Туркистон Бюроси ва Ўрта Осиё Бюроси бебаҳо ҳисса қўшдилар. Таниқли партия ва давлат арбоблари — Михаил Иванович Калинин, Валерьян Владимирович Куйбишев, Михаил Васильевич Фрунзе, Шалва Зурабович Элиава, Ян Эрнестович Рудзутак, Сергей Иванович Гусев, Пантелеймон Николаевич Лепешинский, Карл Янович Бауман, Виктор Павлович Ногин ва бошқалар Ленин ғояларини амалга оширдилар.

Шу йилларда оғир синовлар бўлди. Коммунистлар синфий жангларнинг олдинги маррасида бордилар. 14 комиссарнинг жасорати халқ хотирасида абадий қолади. Большевиклар халқни революция ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этдилар. Яхши қуролланмаган туркистончи жангчилар империалистик мамлакатлардан мадад олиб турган босмачи тўдаларни тор-мор этдилар. Ҳаёт-мамот олишувида меҳнаткашларнинг иродаси, уларнинг янги турмушга эришиш муддаоси ғалаба қилди.

1925 йилда республика партия ташкилоти тузилганлиги Ўзбекистон халқлари тарихида катта воқеа бўлди. Содиқ ленинчилар, ватанпарварлар, интернационалистлар бўлмиш Владимир Иванович Иванов ва Акмал Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

Ички контрреволюцияга ва чет эл интервенциясига қарши биргаликдаги курашда меҳнаткашлар орасида интернационал бирдамлик туйғуси мустаҳкамланди. Ўзбек халқи орасидан Октябрь ғояларини турмушга татбиқ этиш учун фидокор курашчилар етишиб чиқдилар. Партия ва совет ходимлари, омманинг обрўли йўлбошчилари — Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, қизил командирлардан Миркомил Миршаропов ва Абдулла Ёрмуҳамедов, Октябрь революциясининг ажойиб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода, комсомоллардан Абдулла Набиев ва Исроил Ортиқов, янги дунё қуришда қатнашган ўн ва юз минглаб бошқа ватанпарварлар Ўзбекистон ССР тарихида муносиб ўрин олганлар. Феодал муносабатлардан капитализмни четлаб социализмга ўтилганлиги ҳақиқий революцион жасорат бўлди, партия одамларни мана шу жасоратга руҳлантирди.

Халқларнинг буюк дўстлиги бу йўлдаги куч манбаи, қудратли ҳаракатлантирувчи омил бўлди. Революция аланғасида юзага келган бу дўстлик чиниқди, дастлабки беш йилликлар даврида мустаҳкамлик синовидан ўтди. Қолоқликни тугатиш учун жуда катта моддий ва молиявий ресурслардан ташқари Россия Федерацияси ва бошқа республикалар Ўзбекистонга юборган мутахассислар, ишчилар, инженерлар, агрономлар, врачлар, олимлар, мелиораторларнинг ёрдами ҳам керак бўлди.

Жуда қисқа муддатда саноатнинг барпо этилишига, кадрларнинг тайёрланишига иқтисодий жиҳатдан орқада қолган районларга ёрдам бериш асосидагина эришилди. Рус халқи, рус ишчилар синфи мана шундай ҳар томонлама мадад берди. Уч беш йиллик мобайнида республикада 500 тадан кўпроқ йирик саноат объекти қурилди. Марказий Россиядан Ўзбекистонга енгил саноатнинг бир қанча корхоналари асбоб-ускуналари ва ишчи кадрлари билан бирга кўчирилди.

Қардош халқларнинг ёрдами билан қишлоқ хўжалиги ҳам қайта қурилди. Бой ва қулоқлар, шаҳар буржуазияси ва руҳонийлар қишлоқда янги турмуш қурилишига жон-жаҳдлари билан халақит бердилар. Аммо меҳнаткаш деҳқонларнинг асосий оммаси узил-кесил коллективлаштириш йўлига ўтди ва бу нарса унинг муваффақиятли амалга оширилишини ҳал қилди. Қишлоқни коллективлаштириш ишида ёрдам бериш учун Ўзбекистонга ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларга Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенскдан мингдан ортиқ партия аъзоси бўлган ишчилар юборилди. Катта синфий кураш тажрибасига эга бўлган мана шу чиниққан кишилар омма орасига пролетар интернационализми ғоясини, хўжалик юритишнинг илғор усулларини ёйдилар. РСФСРнинг энг катта саноат корхоналари республика округлари ва районларига оталиқ ёрдамини кучайтирдилар.

Жуда оғир шароитда, механизация бўлмаган бир пайтда оч-наҳор кишилар мўъжиза кўрсатдилар. Минглар шартномаси, стахановчилик ҳаракати, бошқа ташаббуслар вайронгарчиликни бартараф этишга кўмаклашди. Тошкент пахтакорларини Иваново тўқимачилари билан, Фарғона деҳқонларини Ленинграддаги «Киров заводи» ишчилари билан, Қашқадарё колхозчиларини москвалик ишчилар билан, Қорақалпоғистон меҳнатчиларини Россия Федерациясининг меҳнаткашлари билан ҳозир ҳам мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаб турибди.

Лениннинг «Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги ва шу ишларни ташкил қилиш ҳақида»ги Декрети билан асос солинган кенг миқёсдаги сув хўжалиги қурилиши халқнинг қулф урган эркин куч-ғайрати тимсоли бўлди. М. С. Горбачевнинг тантанали мажлисдаги докладида дастлабки беш йилликларнинг азим қурилишлари қаторида умумхалқ ҳашари билан қурилган Катта Фарғона канали ҳам тилга олинганлиги бизни ғоят қувонтиради. Юзлаб ва минглаб кишилар бир ёқадан бош чиқариб каналлар, тўғонлар, сўнгра эса заводлар, автомобиль йўллари, шаҳарлар қуришди.

Маданий революция социализм қурилишининг энг муҳим қонуниятларидан биридир. Октябрь меҳнаткашларнинг ғоят кенг оммаси илм-фан ва маданиятнинг барча бойликларидан баҳраманд бўлиши учун имконият яратди.

Шарқ хотин-қизлари янги турмуш қуришнинг кенг ва порлоқ йўлига чиқиб олдилар. Реакционерларга ва жаҳолатпарастларга қарши курашган «Ҳужум» ҳаракати иштирокчилари бўлган аёлларнинг мардлиги ва довюраклиги тарихда абадий қолади.

Янги турмуш қурилиши машаққатли, зиддиятлар ва мушкулликларга тўла бўлди. Босмачиларнинг, бойларнинг, дин мутаассибларининг ўқлари ва пичоқларидан кўп кишилар ҳалок бўлди. Эски дунё кучлари ўз позицияларини жангсиз бериб қўйишгани йўқ.

Бизнинг йўлимизда хатолар ва ҳаддан ошишлар ҳам бўлди. Аммо халқ 1917 йилда ўтиб олган йўлдан уни ҳеч нарса четга чиқара олмади. Одамлар ўзларини буюк ишнинг қатнашчилари деб билдилар, уларнинг ватанпарварлиги янги, социалистик мазмун касб этди.

Халқлар дўстлигининг мустаҳкамлиги ва бузилмаслиги мамлакат учун Улуғ Ватан уруши каби ниҳоятда оғир синовда ҳам имтиҳондан ўтди. Ўзбекистон уруш йилларида катта ҳарбий аслаҳахоналардан бири бўлиб қолди, фронтга қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериб турди. Республика юзга яқин йирик саноат корхонасини қабул қилди, бир миллиондан кўпроқ кишига бошпана берди. Эвакуация қилинганлар орасида юз минглаб болалар бор эди. Улар болалар уйларидагина эмас, шу билан бирга меҳнаткашларнинг оилаларида ҳам бошпана топдилар. Шомаҳмудовлар оиласи турли миллатга мансуб 16 болани тарбияга олди. Бундай оилалар эса минглаб топиларди.

Таниқли ленинчи, интернационалист, катта ташкилотчи Усмон Юсупов бошчилигидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фронт орқасидаги меҳнаткашларни сафарбар этиш соҳасидаги ғоят мураккаб ишларнинг ҳаммасига раҳбарлик қилди. Унинг порлоқ образи қалбимизда, республика меҳнаткашларининг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўша оғир кезларда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига йўллаган мактубда шундай деб ёзган эди: «Эй, ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи!.. Сенинг аканг бўлган руснинг уйига, қардошинг бўлган белорус ва украиннинг уйига герман каллакесари босиб кирди... Лекин руснинг уйи сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи сенинг уйингдир!.. Шундай қилгинки... ўзингнинг бахтли оиланг ўртасида фахр билан: «Ватан урушининг даҳшатли кунларида ўз Ватанини ҳалокат ва талон-торождан сақлаб қолганлар қаторида мен ҳам бор эдим», деб айта оладиган бўл!». Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кадрлар масканига айланди. Бу ерда ўнлаб дивизия ва бригада, юзлаб марш бўлинмалари тузилиб, ўқитилди. Ўзбекистонлик жангчилар бошқа халқларнинг фарзандлари билан ёнма-ён Москва остоналарида, Волга ва Дон соҳилларида ҳаёт-мамот жангларини олиб бордилар. Украина ва Белоруссияни, Шарқий Европа мамлакатларини озод қилдилар. Уруш совет халқи, партия, социализм ва Октябрь ажралмас бўлиб, шу бирликни буза оладиган куч дунёда йўқ эканлигини кўрсатди.

КПССнинг изчил интернационал сиёсати натижасида барча республикалар социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг юксак даражасига эришдилар. Ҳозир Ўзбекистон ССР — ривожланган индустриал-аграр республикадир. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида саноат маҳсулоти ҳажми 108 баравар кўпайди. Бизда ҳар суткада ўрта ҳисобда 144 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинмоқда, 73 та трактор, 25 та пахта териш машинаси, салкам 4 минг тонна минерал ўғит, 100 минг жуфт пойабзал, 247 та холодильник, бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда Ўзбекистондаги 228 та корхона экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон диёрининг мевалари ва аввало пахтаси умумиттифоқ аҳамиятига молик. Республика далаларида 200 мингтадан кўпроқ трактор, 36 мингта пахта териш машинаси, бошқа кўпгина техника ишлаб турибди, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми совет ҳокимияти йиллари мобайнида 9 баравар ошди.

Республика халқ маорифи ва илм-фани мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг, илмий-тадқиқот институтларининг кўплаб тармоқларига эга. Ўзбек адабиёти ва санъати кенг кўламда ривожланди.

Биз мана шуларнинг ҳаммасидан фахрланиш билан бирга, барча тараққиёт босқичларида республикага берилган ҳар томонлама ёрдам Ўзбекистон меҳнаткашлари ишининг натижаларида моддий ифодасини топганлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Ҳар бир пахта териш машинасида, тўқув станогида Москва ва Ленинград ишчиларининг, Донбасс кончиларининг, Урал металлургларининг меҳнат ҳиссаси бор. Пахтанинг ҳар бир грамми-

ҚАЙТА ҚУРИШ—ОКТЯБРЬ ИШИНИНГ БЕВОСИТА ДАВОМИ

Ўртоқлар! Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин ўтган вақт ичида мамлакатимиз ғоят катта муваффақиятларга эришди. Совет кишилари ана шу муваффақиятлардан фахрланмоқдалар.

Шу билан бирга, М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, тарихимизда кўпгина фожиали саҳифалар ҳам бўлди. Ўтмишга тарихий масъулият ҳисси билан ва тарихий ҳақиқат асосида баҳо бериш зарур. Совет жамиятида тегишли даражадаги демократиялашнинг йўқлиги шахсга сиғинишни ҳам, қонун бузишларни ҳам, 30-йиллардаги бебошлик ва репрессияларни ҳам келтириб чиқарди.

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш замиридаги жиноятлар бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, коммунистлар ва партиясизлар, хўжалик кадрлари ва ҳарбий кадрлар, олимлар ва маданият арбоблари репрессиялар ҳамда қонунга хилоф ишларнинг қурбони бўлдилар. Эндиликда биз уларга қарши қўйилган айблар жўрттага сохталаштириш натижаси бўлганлигини биламиз. Тарихнинг чигал масалаларидан юз ўгирмаслик керак. Акс ҳолда бу — тарихий ҳақиқатни писанд қилмаслик, ғайри-қонуний ишлар ва бебошликларнинг бегуноҳ қурбони бўлган кишилар хотирасига нисбатан ҳурматсизлик бўлур эди. Бундай масалалардан яна шунинг учун юз ўгира олмаймизки, ҳаққоний анализ бизга ҳозирги проблемаларимизни: демократиялаш, қонунчилик, ошкоралик муаммолари, бюрократизмни бартараф этиш муаммоларини ҳал қилишимизда ёрдам бериши керак. Ғоят катта ютуқларимизни ҳам, ўтмишдаги кулфатларни ҳам ҳалол тушуниш, уларни тўла-тўкис ва тўғри сиёсий баҳолаш келажак учун чинакам маънавий йўл-йўриқ беради.

Волюнтаризм ва социал нураш элементлари, 70 ва 80 йиллар маррасида пайдо бўлган социализмга ёт тенденциялар ривожланишимизга тўсқинлик қилувчи таъсир ўтказди.

Партия ва жамиятдаги соғлом кучлар салбий ҳолатларни бартараф этиш, социализмни маънавий жиҳатдан тозалаш ва янгилашга эришиш ниҳоятда талаб этилаётганлиги ва зарурлигини тобора ўткирроқ сеза бошладилар. Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленуми олға сурган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш концепцияси ва стратегияси ана шу жуда ўткир эҳтиёжга жавоб бўлди. Бу концепция ва стратегия XXVII съезднинг, Марказий Комитет шундан кейинги Пленумларининг қарорларида ривожлантирилди ва социалистик жамият турмуши барча томонларини революцион тарзда қайта қуришнинг бош йўлига айланиб қолди.

Қайта қуриш — ўтган давр турғунлиги ва консерватизмидан халос бўлиш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилашдангина иборат бўлмай, шу билан бирга жамият ташкил этилишининг тарихан чекланган, умрини яшаб бўлган хусусиятларини ва иш методларини бартараф этиш ҳамдир. Қайта қуриш — социализмга энг замонавий формалар бағишлаш бўлиб жамиятни революцион тарзда янгилашнинг ўз мантиқи ва босқичларига эга бўлган нисбатан узоқ давом этадиган жараёндир.

Қайта қуришдан кузатилган мақсад — социализмнинг ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан тўла-тўкис қайта тиклашдан иборат бўлиб, унда ўз идеаллари, манфаатларига эга бўлган меҳнат аҳли, экономикадаги, социал ва сиёсий муносабатлардаги, маданиятдаги инсонпарварлик қадриятлари сўзсиз устун туради.

Қайта қуриш тақдирини жамиятни ривожлантиришнинг иккита энг муҳим проблемаси белгилаб беради. Бутун ижтимоий ҳаётни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот шундай проблемалардир.

Қайта қуриш Октябрь ишини давом эттириб, социалистик демократияни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришни энг биринчи вазифа сифатида олға сурди. Жамиятни демократиялаш — қайта қуришнинг қалбидир. Қайта қуриш муваффақиятининг ўзи ҳам, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, умуман социализмнинг келажаги ҳам қайта қуришнинг қандай боришига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда бошланган туб иқтисодий ислоҳотдан кузатилган мақсад — яқин икки-уч йил ичида ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруқбозликка асосланган бошқариш системасидан асосан иқтисодий методларга, централизм билан ўзини-ўзи бошқариш энг мақбул тарзда боғланишига асосланган демократик бошқариш системасига ўтишдан иборатдир. У бирлашмалар ва корхоналар мустақиллиги жуда кенгайтирилишини, улар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилишини, меҳнат коллективларига бунинг учун барча зарур ҳуқуқлар берилишини тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумидан кейин ўтган вақт мобайнида катта ишлар бажарилди. Мамлакат бурилиш палласини бошидан кечирмоқда. Қайта қуриш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи асосан тугалланди. Жамиятда янги сиёсий, маънавий-психологик вазият вужудга келтирилди. Партия одамларнинг ижтимоий ишлардан манфаатдорлигини, уларнинг активлигини кучайтиришга, талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик даражасини ошири[...] одамларнинг тафаккури [...] кайфиятларида реал [...]ришлар учун шарт-шар[...]ларни яратишга мува[...] бўлди.

Совет кишиларининг [...]чилиги каби, Ўзбекистон [...]наткашлари ҳам қайта [...]ришни қўллаб-қувватла[...]далар, бу иш муттасил [...] ҳаракат қилиб бориш[...]рак, деб ҳисобламоқда[...]. Ишчилар, колхозчилар, [...]лилар интизомни куча[...]риш, меҳнат самарадор[...] ва сифатини ошириш за[...]лигига тушуниб муноса[...] бўлмоқдалар.

Қайта қуриш бизнинг [...]публикамиз учун алоҳ[...] аҳамиятга эга. Ўзларинг[...] маълумки, партия XX[...] съездида ва Марказий [...]митетнинг январь Плену[...]да Ўзбекистонда вужу[...] келтирилган иқтисодий [...] илмий-техникавий поте[...] алдан самарасиз фойдал[...]лаётганлиги, салбий ҳо[...]ёнлар бу ерда энг кес[...] формада намоён бўлган[...] қайд этиб ўтилган эди. Р[...]публика коммунистл[...] КПСС Марказий Комите[...]нинг катта ёрдамида Ўз[...]кистон Компартияси Мар[...]зий Комитетининг 1984 [...] июнь ойида бўлиб ўтган [...] пленумида, сўнгра эса ў[...]нинг XXI съездида эконо[...]кага ҳамда социал соҳ[...] раҳбарлик қилишдаги қў[...] хатолар ва очиқдан-оч[...] ўпирилишларни, республ[...] партия, совет, давлат ва [...]жалик органларининг, жа[...]ат ташкилотларининг ф[...]лиятидаги жиддий бузил[...]ларни очиб ташлаб, кес[...] танқид қилдилар ва қатъ[...] қораладилар.

Ана шу ҳодисаларни[...] илдизларини таҳлил қил[...] туриб, Усмон Юсупов Ўз[...]кистон Компартияси Мар[...]зий Комитетининг бирин[...] секретари лавозимидан [...]шаганидан кейин қисқа [...]дат ичида республика ра[...]барлари олий бўғини б[...] неча марта ўзгартирилган[...]

(Давоми учинчи бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ АСОСИДА, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

гини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди. Кадрларнинг шундай тез-тез алмаштирилиши партия ва совет активлари ўртасида маънавий-сиёсий вазиятга салбий таъсир қилди, ғоят муҳим социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга субъективизм жиҳатларини олиб кирди.

Шундай вазиятда республика партия ташкилотидаги раҳбарлик лавозимига Ш. Рашидовнинг сайланиши мумкин бўлиб қолди. Бир неча марта қайд этиб ўтилганидек, унинг айби билан ...рамас услуб ёйилди. Дабдабозлик ва ўзини-ўзи мақташ, танқид ва ўз-ўзини танқидни писанд қилмаслик, хамтарликни, бир қанча ҳолларда эса ҳатто виждонликни йўқотиш, ғаламисликлар ёйилишига сабаб бўлди, ўғирликлар ва порахўрликка олиб келди.

Ўзбекистон Компартияси бундан ғоят жиддий сабоқ чиқариб олди ва республикамизда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қандай шаклда бўлмасин такрорланишига йўл қўймайди. Органлар ҳамда ташкилотларни жиноий шахслардан ва ўз обрўсини тўккан кишилардан тозалаш, барча участкаларни ишни қатъий равишда эплаб олишга қодир бўлган муносиб кишилар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Иттифоқ органларидан, мамлакатнинг катта партия ташкилотларидан салкам 400 кишини доимий ишлаш учун Ўзбекистонга юбориб, КПСС Марказий Комитети бизга бебаҳо ёрдам берди ва шундай ёрдам бериб келмоқда. Бу нарса кўпгина участкаларни мустаҳкамлаш имконини берибгина қолмай, шу билан бирга бошқа регионларда орттирилган энг яхши иш тажрибасини тўплаш имконини ҳам берди. Буни биз В. И. Ленин асос солган ўша шонли анъаналарнинг давоми, деб биламиз.

Республика меҳнаткашлари тартиб ўрнатиш йўлидаги мушкул курашда партиянинг ёрдамини, мамлакатдаги барча халқларнинг забардаст дўстлик қўлини, қардошларча ёрдами, мададини кун сайин сезиб турибдилар. Мана шу бирлик ва ишонч руҳи — Октябрнинг ғоят буюк ғалабаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар, бизнинг барча илтимосларимиз ва истакларимизни инобатга олмоқдалар.

Агросаноат комплексининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Реал имкониятларга ва илмий асосланган алмашлаб экиш талабларига мувофиқ пахта етиштириш ҳамда тайёрлаш хажмларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор ерларнинг унумдорлигини анча ошириш, ем-хашак ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ва шу тариқа, озиқ-овқат масаласини ҳал қилишни жадаллаштириш имконини беради. Биз аниқ ҳаракат программаси билан қуролланганмиз ва уни қандай бажариш кераклигини биламиз. Ишлаб чиқариш потенциали ва фан-техника потенциалидан мумкин қадар самарали фойдаланиш вазифаси ўртага қўйилган.

Ўн иккинчи беш йиллик топшириқлари бизни мана шунга йўналтиради. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 28 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Қурувчилар 560 мингта квартирани, 924 минг ўринли мактабларни, 412 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасаларини, бошқа кўпгина объектларни фойдаланишга топширишлари керак. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми ошади.

Салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашиш, уюшқоқликни, талабчанлик ва ишчанликни қарор топтириш зарурлиги кенг англанганлиги республикада қайта қуришнинг дастлабки ижобий якуни бўлди. Натижада ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини соғломлаштириш жараёни бошланди. Заводлар ва қурилишларда, колхозлар ва совхозларда, илмий-тадқиқот ташкилотларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формалари зўр бериб изланмоқда. Ҳозир одамлар ўзларига нисбатан ҳам, раҳбарларга, мутахассисларга нисбатан ҳам анча талабчан бўлиб қолмоқдалар, хўжасизлик ва масъулиятсизликка қарши қатъиян курашмоқдалар.

Янги вазият, ўзгарган шарт-шароит ва талаблар экономикада муайян силжишларга олиб келди. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 1984—1986 йилларда 5 процентни ташкил этди, маҳсулотнинг ўсиши эса қарийб 8 миллиард сўмлик бўлди. Шу йилнинг ўн ойи ичида маҳсулот ишлаб чиқариш плани 101,4 процент бажарилди, планга қўшимча равишда 234 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Фонд самарадорлигининг пасайиб кетиш суръатлари секинлашди. Ишлаб чиқаришни реконструкциялашга ўн биринчи беш йилликдагига қараганда 2—3 баравар кўпроқ маблағ ажратилмоқда.

Экин майдонлари структураси қайта тузилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Ҳар йили умумиттифоқ фондига бир миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева юборилмоқда.

Уй-жойлар, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва поликлиникалар кўпроқ қуриладиган бўлиб қолди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа давомида ишчилар, колхозчиларнинг, халқ хўжалиги мутахассисларининг меҳнат ватанпарварлиги намоён бўлмоқда. 700 га яқин бирлашма, корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар, 6400 цех, смена, участка, бригада ва фермалар, 42 мингдан зиёд илғорлар ўз мажбуриятларини бажардилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Булар орасида — Самарқанд экспериментал-механика заводининг, «Фергананефть» бирлашмаси йириклаштирилган нефть конининг, Андижон тикувчилик бирлашмасининг, Бухоро уйсозлик комбинатининг, «Средазнефтегазстрой» трестининг, Главташкентстройга қарашли 2-уйсозлик комбинати 25-қурилиш бошқармасининг, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг коллективлари ва бошқалар бор.

Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасидан Риҳсибулла Сиддиқов сменасининг, «Малик» совхозидан Тўхтахон Қирғизбоева бригадасининг, Самарқанддаги «8 март» тикувчилик бирлашмаси тикувчи-мотористи Анна Васильевна Нуштаеванинг, 163-қурилиш трестидан Исмат Истамов бригадасининг, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси монтажчиси Людмила Александровна Валентованинг, «Средазкабель» бирлашмаси ишчиси Валентина Николаевна Окуневанинг ҳамда бошқа кўпгина кишиларнинг ишлари учун умумхалқ миннатдорчилигини билдирса арзийди. Ўртоқлар, социалистик мусобақанинг барча ғолибларини сизларнинг номингиздан табриклашга, уларнинг янги-янги муваффақиятларга эришишларини, ҳамиша меҳнат гвардиясининг биринчи сафларида бўлишларини тилашга ижозат бергайсиз!

Шу билан бирга, умуман халқ хўжалигидаги аҳвол тиғиз бўлиб қолмоқда. Кўпгина корхоналар ўз имкониятларидан фойдаланмаяпти, план ва мажбуриятларини бажармаяпти. Асосий фондларни ишга тушириш плани таъминланмаяпти. Чакана товар обороти ва маиший хизмат кўрсатиш планлари барбод этилмоқда.

Агросаноат комплексида қайта қуриш катта қийинчиликлар билан бормоқда. Суғориладиган гектар самарадорлиги секинлик билан ошмоқда. Интенсив технологияларни ўзлаштиришга, бригадалар ҳамда фермаларни хўжалик ҳисоби ва пудрат усулига ўтказишга нисбатан юзаки ёндашув намоён бўлмоқда. Қишлоқни қайта қуришнинг социал муаммолари суст ҳал қилинмоқда.

Бу йил пахтачиликда тарихда мисли кўрилмаган даражада ғоят мураккаб йил бўлди. Ҳозир далаларда вазият жуда кескинлашди. Ҳосил тақдири хавф остида турибди. Аммо барча ҳам шайлик ва уюшқоқлик кўрсатаётир, деб айта олмаймиз. Далаларда пахта бор, қўйилган мақсадларга эришиш учун у етарлидир. Буни илғорлар тажрибаси кўрсатмоқда. Хонқа райони меҳнаткашлари, салкам 50 хўжалик, 3 минг бригада ўз планларини бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Фавқулодда вазият фавқулодда чораларни ҳам тақозо этади. Одамлар, техника тўла қувват билан ишлаши, тиғиз графикларга риоя қилинишига эришиш лозим. Далаларда, қишлоқ трассаларида, пахта пунктларида қилинадиган фидокорона меҳнат республикамиз ҳар бир меҳнаткашининг ўз интернационал бурчини намоён этиш рамзи бўлиб қолиши керак.

Қишлоқ хўжалигида, экономиканинг бошқа тармоқларида аҳволни ўнглаб олиш, КПСС Марказий Комитети январь, июнь ва октябрь Пленумларининг қарорларини амалий ишлар жабҳасига кўчириш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш зарур. Қийинчиликларни рўкач қилмай, юбилей йили планлари ва мажбуриятларини бажариш бизнинг долзарб вазифамиздир. Бу нарса ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, барча кадрларимиз зўр куч-ғайрат сарфлашларини талаб этади. Эндиликда ғояларимизни, планларимизни, ёндашувларимиз ва иш методларимизни турмушнинг ўзи синовдан ўтказади.

Бунда ўн йиллар мобайнида амал қилиб келинган эски иш усуллари қайта қуришга халақит бераётганлигини ҳам кўриш керак. Бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик формалари ҳам халақит қилмоқда. Қотиб қолган фикрлаш усули ҳам халақит бермоқда. Ниҳоят, ғаразли манфаатлари бутун жамият манфаатларига зид бўлган, меҳнатсиз даромадларидан, муносиб бўлмаган имтиёзларидан маҳрум бўлаётган, халқнинг ишончини оқламаганлиги учун лавозимларидан бўшатилаётган кишилар — қайта қуришнинг ошкора ва пинҳона муҳолифларидир.

Ишга тўсқинлик қилаётган, ҳаракатимизга тўғаноқ бўлаётган кимсаларни — қайта қуриш муҳолифларини пайқай билиб, фош этишни, уларнинг найрангларини чиппакка чиқаришни ўрганиб олиш керак.

Москвадаги тантанали мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, қайта қуриш революция ишини давом эттирмоқда. Революцион матонат қуролини мукаммал эгаллай билиш маҳорати ҳозир ҳам ниҳоятда зарурдир. Бундай матонат ўз жойида ўтиришдан ёки оқим бўйлаб сузишдан иборат эмас. Бундай матонат вазиятга реалистик баҳо бериш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ваҳима қилмаслик, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик қобилияти — ҳар кун, ҳар соат, ҳамма жойда қизғин ва аниқ мақсад йўлида меҳнат қилиш ҳамда барча ишларда ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётган энг мақбул ечимларни топиб, рўёбга чиқариш қобилиятидир.

Яқинлашиб келаётган йилда республика меҳнаткашлари олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди. Миллий даромадни 4,8 процент кўпайтириш кўзда тутилади, саноат маҳсулоти ҳажми 5,3 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти (йиллик ўртача ҳисобда) 13 процент ортади.

Ҳозир хўжалик юритиш иқтисодий методлари партия комитетлари ҳамда ташкилотлари ташкилий ва сиёсий фаолиятида биринчи ўринга чиқмоқда. Бошқаришни жузъий «чаласини битказиш» ва «қайта ташкил этишлар»дан уни яхлит, туб ислоҳ қилишга ўтиш шу куннинг иши бўлиб қолмоқда. Келгуси йил янги бошқариш системасининг негизи — корхона тўғрисидаги қонунни амалда ўзлаштириш ва ўн учинчи беш йилликда уни тўла-тўкис амалга оширабошлашга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш лозим.

Ҳозир республикада 1248 та корхона хўжалик юритишнинг янги шароитида ишламоқда, келгуси йилдан эса яна 796 та корхона ва ташкилот, Сурхондарё область агросаноат комитети янги шароитда ишлайдиган бўлади. Муайян бир давр мобайнида ҳам янги, ҳам эски бошқариш методлари амал қилиб туради. Мана шу бурилиш даврида иқтисодий механизмни ўзгартириш соҳасидаги ишлар партия ташкилотлари ва комитетларининг доимий зўр эътиборида бўлиб туриши ниҳоятда муҳимдир.

Хўжалик ислоҳотини амалга ошириш кўп жиҳатдан бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилашга боғлиқ. Ҳаддан ташқари кенгайиб кетган штатлар масъулиятсизликни келтириб чиқаради. Шу боисдан республика бошқарув бўғини аппаратини анча — 50 процентга қадар қисқартириш ва шунинг эвазига ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинларини мустаҳкамлаш планлаштирилмоқда.

Меҳнатни ташкил этиш бригада формаларини, хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш — ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг жуда муҳим шартидир. Бироқ ҳеч қандай хўжалик механизми, модомики уни кадрлар, барча ходимлар ўзлаштириб олмас экан, ўз-ўзидан тегишли самара бермайди. Бунинг учун эса республика, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарларидан тортиб то ишчиларгача ялпи иқтисодий таълимни активроқ авж олдириб юбориш керак. Моҳирлик билан хўжалик юритишнинг энг биринчи принципи ресурсларни қаердан кўпроқ ундириб олишда эмас, балки улардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланишдадир. Давр сўмларнигина эмас, тийинларни ҳам ҳисоблай билишни тақозо этмоқда, тежамкорлик хўжалик турмушининг қонуни бўлиб қолиши лозим.

Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш — муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифадир. Бу айниқса шунинг учун зарурки, республика аҳоли жон бошига миллий даромад ҳосил қилиш, инфраструктурани ривожлантириш бўйича Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қолмоқда. Ўтган йили 150 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшилди. Бу — кўп ёқлама катта ишнинг бошланиши, холос. Янги иш жойларини яратиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг ички резервларини ишга солиш ва аввало, смена коэффициентини ошириш зарур. Айниқса маҳаллий аҳоли орасидан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш суръати ва сифатини оширмоқ керак. Кооперативларни, касаначиликни ташкил этишга ва иш вақти тўлиқ бўлмаган режимдаги меҳнатни уюштиришга нисбатан муносабат ҳам тубдан қайта кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистоннинг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартиришга, Сибирь бойликларини ўзлаштиришга бераётган ёрдами катта интернационал аҳамиятга молик ишдир. Ҳозир ўша ерларда республиканинг 30 минг вакили ишламоқда. Беш йиллик охиригача биз Бутуниттифоқ қурилишларига камида 82 минг кишини юборишимиз керак.

Партия ташкилотларининг вазифаси — хўжалик раҳбарларини, меҳнат коллективларини шартномаларнинг бажарилишига, юқори сифатга эришилишига йўналтиришдан, хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтишда корхоналарга, хўжаликлар ва ташкилотларга ёрдам беришдан, республика экономикаси кейинги беш йилликни яхши йўлга қўйилган хўжалик механизми билан бошлаши учун барча зарур ишларни қилишдан иборатдир.

Ўртоқлар! КПСС халқ фаровонлигини муттасил, қадам-бақадам ошириб боришни жадаллаштириш ва қайта қуришнинг олий маъноси деб билади. Ҳозирги совет жамияти — кўпгина йирик социал муаммолар ҳал қилинган жамиятдир. Аммо қайта қуриш бунда ҳам мавжуд ишларнинг аҳволига баҳо беришда янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Илгари технократик ёндашувлар томонига оғиб кетилганлиги меҳнаткашларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлиги пасайиб кетишига, интизомнинг бўшашувига ҳамда бошқа салбий ҳодисаларга олиб келди.

Шундай вазифалар биринчи ўринга қўйилмоқдаки, уларни ҳал этиш инсоннинг турмуш шароитини анча яхшилаган бўлур эди. Шу жиҳатдан республикамизда муайян силжишлар бор. 1984—1986 йилларда бундан олдинги уч йилдагига нисбатан 173 минг квадрат метр кўп уй-жой қурилди, қўшимча равишда 48 минг ўринли мактаб, 8 мингдан зиёд ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилди. Аҳолига гўшт, сут, тухум сотиш кўпайди. Пулли ва маиший хизмат кўрсатишни ўстириш суръатлари ошди.

Ўз имкониятларимиздан, маҳаллий ресурслардан яхшироқ фойдаланиш, ўткир бўлиб турган бир қанча проблемаларни жуда яқин вақт ичида ҳал этиш — бизнинг энг асосий вазифамиздир. Бунда Озиқ-овқат программаси биринчи ўринда туради, албатта. КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган кенгаш йўл-йўриқлари асосида интенсив технологияларни, коллектив ва оилавий пудратни жорий этишга, корхоналарнинг ва хусусий секторнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Инвестиция сиёсати ўзгартирилди, маблағлар янги ерларни ўзлаштиришга эмас, балки уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ем-хашак етиштиришни кўпайтиришга, чорвачилик маҳсулдорлигини кескин оширишга сарфланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилаш имконини беради.

КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифа — ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини бажариш бутун халқнинг амалий иши бўлиб қолиши зарур. Республикада уй-жой қурилиши тобора кенгаймоқда. 1988 йилда барча манбалар ҳисобидан салкам 7,4 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой фойдаланишга топширилади, бу эса беш йиллик план топшириғидан 530 минг квадрат метр ортиқдир.

Ҳозир бизда 240 мингдан зиёд оила квартира олиш учун навбат кутиб турибди. Уй-жой программаси бажарилиш учун маҳаллий материалларни, қўшимча молиявий ва меҳнат ресурсларини бутун чоралар билан жалб этиш лозим. Бунда уй-жой қуриш кооперативлари катта ҳисса қўшишлари мумкин ва лозим. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда касаба союз комитетлари меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганишлари, якка тартибдаги қурилиш йўлидаги барча ғовларни олиб ташлашлари керак. Ёшларнинг уй-жой комплекслари ташкил этилишини ҳар жиҳатдан ва пухта қўллаб-қувватлаш даркор.

Бозорни юқори сифатли моллар билан мўл-кўл таъминлаш —жуда муҳим вазифа. Аҳолига керакли моллар сотиш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришнинг келгуси йилги режалари беш йиллик планга асос қилиб олинган даромадларнинг харажатлардан ортиб кетишига йўл қўймасликни кўзда тутиб белгиланган.

Имкониятлар ва ресурслардан мумкин қадар тўла фойдаланиш, ҳар бир фойдали ташаббусни ўз вақтида пайқаб олиш, қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш зарур. Бу соҳада жуда катта имкониятлар бор. Уларни хизмат қилдириш учун оммавий талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни замонавий технологияга тезроқ ўтказиш, уларнинг сифатини кескин оширишга ҳаракат қилиш лозим. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда молларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда ҳар бир меҳнат коллективи ўзининг аниқ-равшан ўрнини топиб олиши керак.

Соғлиқни сақлаш тубдан қайта қурилиши лозим. Мана шу ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилиши биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳар бир партия ташкилотининг сиёсий етуклиги партиянинг йўл-йўриқлари жойларда нақадар моҳирона ва актив рўёбга чиқарилишида намоён бўлади. Чунки одамлар қайта қуриш ҳақида, аввало, ўзларининг турмушига бевосита тааллуқли бўлган соҳалардаги ишларнинг аҳволи қандай ўзгараётганига қараб фикр юритадилар.

Социал адолат принципини оғишмай турмушга татбиқ этиш социал сиёсатнинг ўзагидир. Ҳалол, ижодий ишлаётган кишилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши керак. Инсондан кўпроқ талаб қилиш билан бирга инсонга, ҳалол ходимга кўпроқ неъмат бериш— меҳнат билан фаровонлик чамбарчас бирлаштирилган жамиятимизнинг диалектикасидир.

Ўртоқлар! Тарихнинг ҳамма бурилишларида, мамлакатнинг тақдири, унинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида гап борганда В. И. Ленин доимо: «Партия масъулдир» деб таъкидлаб келган. Ҳозирги даврда партиянинг масъулияти, айниқса, катта. У ўзининг етакчилик ролини шараф билан тасдиқламоқда, ижтимоий ривожланишнинг ҳамма соҳаларига таъсирни кучайтириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда.

Партия ташкилотлари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик кўриш ишини кун сайин тобора кучайтирмоқдалар. Бу конференция, аслида, турмушимизнинг бош масаласи—қайта қуриш соҳасидаги сиёсий имтиҳон бўлади.

Бутун партия билан биргаликда конференцияга КПССнинг жанговар отрядларидан бири —660 минг коммунистни бирлаштирувчи республика партия ташкилоти ҳам тайёргарлик кўрмоқда. Республика коммунистлари орасида 89 миллат ва элатнинг вакиллари бор.

Бошланғич партия ташкилотларининг тармоғи кенгайганлиги янги шароитда партия роли ошиб бораётганлигининг яққол нишоналаридан биридир. Кейинги йигирма йил мобайнида партия ташкилотларининг сони 8 мингтадан 21 мингтага етди. Уларнинг қайта қуриш барча жараёнларига доимий, кенг қамровли таъсирини таъминлаш, ҳар бир кишининг дилига йўл топиш—энг муҳим вазифадир. Бу соҳада ҳам коммунистларнинг авангардлик роли бутун куч билан намоён бўлиши керак. Барча меҳнаткашлар уларни: уларнинг позицияси қандайлигини, қайта қуриш шароитидаги феъл-атворларини, улар ўз ташаббусини қандай намоён этаётганликларини синчиклаб кузатиб турибдилар. Яна одамлар партия аъзоларининг ахлоқий жиҳатдан бенуқсон бўлишларини, юксак ғоявий принципларга амал қилишларини, муштарак мақсадлар учун ҳақиқий жангчилар бўлишларини кутадилар.

Партия демократиялаш, қайта қуришга бошчилик қилиш учун ўз сафларида демократияни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Партия комитетларининг практикаси кадрларни аттестациядан ўтказиш, уларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларидаги мунтазам ҳисоботи, юқори лавозимларга кўтариш учун мўлжалланган барча номзодларни очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилиш ва шу каби кўпгина форма ва методлар билан бойиди.

Республика партия ташкилоти ҳисоботлар механизмини такомиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш, айтилган танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг бажарилиши устидан амалий контрол ўрнатиш устида иш олиб бормоқда.

Ошкораликнинг сайлаб қўйиш каби формаси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. 18 мингдан кўпроқ раҳбар— партия ва совет ходимлари, корхоналарнинг директорлари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари, қурилиш бўлинмаларининг бошқарувчилари, ўқув юртларининг ректорлари икки ва ундан кўпроқ номзодни муҳокама қилиш йўли билан сайланди.

Бироқ қайта қуришга партиявий таъсирнинг имкониятлари ҳали тўла-тўкис ишга солингани йўқ. Раҳбарликнинг сиёсий усуллари жуда қийинчилик билан ўзлаштирилмоқда. Бу соҳада район ва шаҳар партия комитетлари ўз ишларини жуда сусткашлик билан қайта қурмоқдалар. Ҳолбуки улар партиявий раҳбарлик системасидаги жуда муҳим бўғинни ташкил этади.

Ҳозир барча поғоналардаги партия комитетларидан бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига ва жамоат ташкилотларига таяниб иш услубини такомиллаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиш талаб қилинади.

Замон талаблари даражасида бўлиш—партия комитетлари ва ташкилотлари учун, ҳар бир коммунист учун синалган ленинча принципларни қўлланиш, ишда ленинча услубни қарор топтириш демакдир. Бу услуб, аввало, ўртада турган вазифаларни ҳал этишга илмий ёндашув билан, ҳар қандай соҳадаги аҳволга реал баҳо бериш билан ажралиб туради. У ижрони аниқ контрол қилиш ва текширишни, коллектив раҳбарликни, кадрларни моҳирона танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни тақозо этади. Омма билан мустаҳкам алоқа, эришилган натижани танқидий баҳолаш, ўз фаолиятига ўзини-ўзи танқид асосида ёндашиш — ленинча иш услубининг ажралмас хусусиятидир. Биз барча партия ташкилотлари турмушини ғоят активлаштирмай туриб, қайта қуришни уддалай олмаймиз. Шу сабабли ишчанлик кўпроқ бўлсин, демократизм кўпроқ бўлсин, уюшқоқлик ва интизом кўпроқ бўлсин. Ана шундагина биз қайта қуришни жадал юриштириб юбора оламиз, бутун ишимизга янги омиллар бахш эта оламиз.

Демократиялаш шароитида сиёсий системамиз барча бўғинларининг роли ортади. Халқ депутатлари Советлари жуда катта кучга эгадир, республикадаги халқ депутатлари Советларида 106 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Улар кўп минг кишилик активларга таяниб давлат, хўжалик ва маданий қурилишда фаол қатнашмоқдалар.

Омманинг революцион ижодкорлиги туфайли юзага келган халқ депутатлари Советлари халқнинг тўла ҳокимиятини амалга оширишда жуда катта имкониятларга эгадирлар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг бир қанча маълум қарорлари Советларнинг мустақиллиги ва активлигини оширишга, уларнинг меҳнаткашлар талаб ва эҳтиёжлари тўғрисидаги ғамхўрлигини кучайтиришга қаратилган. Бинобарин, ҳозир шу ҳуқуқларни тўла-тўкис амалга ошириш, вазифаларнинг эса бекаму-кўст бажарилишига эришиш, айниқса, муҳимдир.

Касаба союзлари республика меҳнаткашларининг шаҳар ва қишлоқдаги 6 миллиондан кўпроқ меҳнатчини ўз сафларида бирлаштириб турган энг оммавий ташкилотидир. Касаба союзларининг фаолият майдонини кенгайтириш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш — демократиянинг янада кўпроқ таъсирчанлигига эришиш, ленинча бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлмиш касаба союзларининг ролини ошириш демакдир.

3 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирувчи республика комсомол ташкилоти кўпгина ишларга ёшлик ғайрат-шижоатини, ўз ташаббусини бағишламоқда. Комсомоллар халқ хўжалигида, фан ва техникада, билим ва маданиятни эгаллашда ўзларини активроқ намоён этишлари керак. Ўз ота-боболарининг революцион иши муносиб ворисларини тарбиялаб етиштиришда республика партия ташкилотига ёрдам бериш — комсомолнинг асосий вазифасидир.

Бизда аҳолининг турли группалари манфаатларини ифодаловчи янги жамоат ташкилотлари — ветеранлар кенгашлари, хотин-қизлар кенгашлари ва шу кабилар пайдо бўлди. Уларнинг фаолиятига ўз вақтида йўл-йўриқ бериб туриш, республика олдида турган вазифаларни ҳал этишда ташаббускорликни ривожлантириш муҳимдир.

Маънавий-мафкуравий соҳадаги қайта қуриш жараёнини жадаллаштириш —замон талабидир. Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда «Революцион тозаланиш ва қайта тиклашга бўлган умидимиз шахсни, инсон омилини активлаштириш йўли билан социализмнинг жуда катта социал ресурсларини рўёбга чиқаришдан иборат», деб таъкидланди.

Мафкуравий иш турмуш талабларига муносиб бўлиши, обдон пишиб етилган масалаларга қаратилиши керак. Ҳозир Ер куррасида одамларнинг онги ва қалбига таъсир этиш учун олиб борилаётган курашдаги муваффақиятларимиз кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади. Айни шу боисдан ҳам одамларни ғоявий чиниқтириш, уларни юксак синфий ҳушёрлик, Ватанни ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қилишга тайёргарлик руҳида тарбиялаш бутун партия фаолиятининг энг муҳим соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Турғунлик йиллари маънавий соҳага ҳам салбий таъсир ўтказганлиги учун шундай қилиш, айниқса, муҳимдир. Ижтимоий онгга вақтинчалик манфаатни кўзлаб иш тутиш, бепарволик ва мунофиқлик, ижобий ўзгаришлар мумкинлигига ишонмаслик иллатлари сингиб бора бошлаган эди. Сўз билан иш ўртасида катта тафовут вужудга келган эди. Руҳонийлар активлашган эди. Ғоявий-маънавий қадриятлар бирмунча обрўсизланиб қолган эди.

Шу сабабли инсонни маънавий жиҳатдан камол топтириш соҳасидаги кўп қиррали ишни тубдан яхшилаш зарур. Қайта қуриш учун жонкуярлик билан ишлайдиган, хўжасизликка, сансалорликка муросасиз талабчан кишилар керак. Унга коммунистик идеалларга бениҳоя садоқатли сиёсий жангчилар керак.

Кейинги вақтларда партия комитетлари ишга янгича ёндашиш усулларини қидирмоқдалар, агитация-пропаганда фаолияти турли формаларининг таъсирчанлигини оширишга интилмоқдалар. Сиёсий кунлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ўқувчи ва тингловчиларнинг газеталарга, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларга қизиқиши ошди.

Шундай бўлса-да, ҳозирча партия ўқувидаги, оғзаки сиёсий ва кўргазмали агитациядаги, пропагандадаги расмиятчилик ва насиҳатгўйликни тугатишга муваффақ бўлганимиз йўқ. Атеистик тарбиянинг таъсирчанлиги унчалик юқори эмас. Партия комитетлари идеология соҳасида ишловчи активларнинг ҳозирги ва келгусидаги тайёргарлиги самарадорлигини оширишлари зарур.

Демократиялаш, кенг ошкораликни таъминлаш давомида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, партия матбуоти зиммасига танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш соҳасида, айниқса, масъулиятли вазифалар тушади. Ҳозир матбуотимиз қайта қуриш туфайли турмушнинг барча соҳаларида юзага келаётган янгилик, илғорлик куртакларини сезгирлик билан пайқаб олиши, улардан ҳаммани баҳраманд қилишга ёрдам бериши, айниқса, муҳимдир.

Омма орасида ленинча интернационализм руҳини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш лозим. СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги биз учун муқаддас ишдир. Юбилей тадбирлари интернационал тарбияни янада кучайтиришга кўмаклашади. Украина ССР ва Иркутск областида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон кунлари ўтказилди. Ўз навбатида Украина ССР адабиёт ва санъат арбоблари Тошкентда бўлдилар. Туркманистон, Украина, Латвия рассомлари асарларининг виставкалари уюштирилди, «Театр ва замон» шиори остида совет театри арбобларининг учрашувини ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон ва Болгария меҳнаткашлари ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, Македония билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Афғонистоннинг шимолий вилоятлари оталиққа олинди.

Вазифа совет турмуш тарзини тарғиб қилиш самарадорлигини оширишдан, ёшларни ғоявий-сиёсий чиниқтиришни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан моҳирона қўшиб олиб боришдан иборат. Инсонда Ватан ҳимоячиси туйғуси ёшликдан шакллантирилиши керак. Шу мақсадда республикада партия ва комсомол ташкилотларининг Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчилари билан ўзаро алоқалари йўлга қўйилди, бу жангчилар Совет Армиясининг шонли анъаналарини кўпайтирмоқдалар, Ватанимизнинг жанубий чегараларини ишончли равишда қўриқлаб турибдилар.

Афғонистонда ўт ичида синовдан ўтган йигитлар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Биз улар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига активроқ жалб этишимиз керак.

Лоқайд тарздаги эмас, балки бунёдкорлик тарзидаги интернационализмни шакллантириш муҳимдир. Қийинчиликлардан чўчимай, тўсиқларни енгиб, мамлакат манфаатлари йўлида ҳаракат қиладиган киши интернационалистдир. Республиканинг яхлит халқ хўжалик комплексига тобора кўпроқ ҳисса қўшаётганлиги—амалдаги интернационализмдир. Ишчилар синфининг миллий кадрларини янада мустаҳкамлаш ҳам, маънавий бойликлардан ўзаро баҳраманд бўлиш ҳам ва, албатта, икки тиллилик ҳам интернационализмдир. Ҳозир республикада «Рус тили» комплекс программаси ишлаб чиқилди. Бу программа барча ўқув юртларида ва меҳнат коллективларида оғишмай турмушга татбиқ этилишига эришиш керак.

Мактаблар ва олий ўқув юртлари ходимлари олдида янги вазифалар турибди. Улар сийқа андозалардан воз кечишлари лозим, ғоявий эътиқод, коммунистик ахлоқ—ёдлаб олинган иборалар эмас, балки ўзининг зарур фазилатлари бўлган чин гражданларни тарбиялашлари керак. Бу соҳада ҳам олға томон илдам ҳаракат қилиб, туб ўзгаришларга эришиш зарур.

Республика илм-фан ходимларидан умидимиз катта. Илмий-тадқиқот ишларининг натижадорлигини ошириш, халқ хўжалигини тубдан қайта қуроллантириш, агросаноат комплексини ва аввало, пахтачиликни интенсивлаш изига ўтказиш, ресурсларни тежайдиган, чиқитсиз жараёнларни жорий қилиш мақсадида илм-фаннинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга эришиш муҳимдир.

Янги инсонни камол топтиришда ижтимоий фанларнинг роли бебаҳодир. Биз аҳоли кенг табақаларининг жамоат ишларига ва айниқса, ўтмишга қизиқиши ортиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Бу эса халқнинг сиёсий ва айниқса, тарихий онгини шакллантирадиган ҳамма жиҳатларга жуда эътибор билан қарашни талаб қилади.

Давлатимизнинг тарихини хатолар ва янглишишлар занжиридан иборат деб тасаввур этиш мумкин эмас. Аммо воқеаларни вақтинчалик манфаатни кўзлаб бўяб кўрсатиш, тарихий жараёнда шахсларнинг ролини тўғри баҳоламаслик ҳам зарарлидир. Ўрта Осиё халқлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолияти тарихининг бир қанча муҳим даврларини ёритишга ҳам кўп жиҳатдан янгича ёндашиш, «оқ саҳифалар»ни тўлдириш керак. Бунда тарихийлик ва ҳақиқат принципига қатъий амал қилиш, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг ҳар қандай ҳодисаларига баҳо беришда аниқ дунёқараш позициясига амал қилиш муҳимдир.

Республиканинг маданий ҳаётида ҳам янги жараёнлар кучайиб бормоқда. Ижодий союзларнинг съездлари демократия вазиятида ўтди. Шу билан бирга маданият соҳасидаги янгиланиш жараёни осонликча ўтаётгани йўқ. Қайта қуриш ўч олиш учун важ бўла олмайди. Бу — бутун кучни жипслаштиришни талаб қиладиган қийин ва узоқ вақт давом этадиган ишдир. Партиявий таъсир мана шунга қаратилиши керак.

Республика партия ташкилоти зиёлиларимизнинг актив гражданлик ва социал позициясига умид қилади. Олимлар ва ихтирочилар, ёзувчилар ва журналистлар, рассомлар, артистлар, ўқитувчилар, маданият ва маориф турли соҳаларининг барча ходимлари қайта қуриш жонкуярлари бўлишлари керак. Ҳамма соҳада бўлганидек, маданий қурилишда ҳам ишга чинакам новаторлик билан ёндашадиган тиниб-тинчимас кишилар зарур.

Жамиятнинг маънавий муҳитини тозалаш—қайта қуришнинг мажбурий қисмидир. Талон-торожчиларга, порахўрларга, кўзбўямачиларга, ичкиликбозларга — қонунларни, социалистик турмуш нормаларини қўпол бузаётган барча шахсларга қарши шафқатсиз уруш эълон қилинди. Бу курашда бўшашувчиликка йўл қўйилмайди.

Омма билан моҳирона иш олиб бориш, уни эргаштириш, оммани ишонтириш, унинг онгига, психологиясига таъсир қилиш, одамларнинг кайфиятини сезгирлик билан пайқаб олиш, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб қайтариш — энг қийин, Ленин неча марталаб таъкидлаганидек, энг муҳим ишдир.

Азиз ўртоқлар!

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам биз ҳаммамиз Октябрь фарзандлари эканлигимиздан фахрланадилар. Ҳар биримиз юбилейни кутиб олар эканмиз, гарчи бир талай иш қилинган бўлса ҳам, келгусида катта ишлар қилиниши зарурлигини англаб турибмиз. Янги асосга таяниб янада юксакроқ марраларни эгаллаш, республиканинг умумиттифоқ бойлигига қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш учун қайта қуриш жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш лозим.

«Улуғ революция ишининг, улуғ Ленин ишининг тақдири ҳозир бизнинг қўлимиздадир. Биз яна синаб кўрилмаган йўлдан бораяпмиз, — деб таъкидлади М. С. Горбачев. — Бу эса партия зиммасига, ҳаммамизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди».

Революция, курашчилари барча авлодларининг бирлиги, партия билан халқнинг бирлиги — ғалабаларимизнинг гаровидир. Ҳозир ҳам одамларнинг ишлари ва режалари партиянинг революцион, новаторлик сиёсати унутилмас 1917 йилнинг руҳи ва анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир.

Улуғ Октябрь ғоялари ва иши мангу яшайверсин!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партия!

КПСС Марказий Комитетига СССР Олий Совети Президиумига СССР Министрлар Советига

Азиз ўртоқлар!

Биз, кекса большевиклар, Ленин партиясининг, революция ва гражданлар урушининг ветеранлари, мамлакатимизда Советлар ҳокимияти ва социализм қуриш учун олиб борилган кураш қатнашчилари шонли юбилей — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кунларида бутун партия ва совет халқи билан биргаликда севимли ватанимиз, ленинчи Марказий Комитет бошлаб бораётган Коммунистик партиямиз учун буюк фахрланиш туйғусини сезиб турибмиз.

Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида қилган докладидан чуқур таассуротдамиз. Докладдаги Октябрь революцияси ғоялар ва меҳнаткашлар кўп асрлик кураши практикаси ривожланишининг қонуний натижаси бўлди, XX асрда социал ташкилотнинг янада юқори формасига — социализм сари бормай туриб, олға томон ҳаракат қилиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни жуда тўғри фикр деб ҳисоблаймиз.

Совет халқи етмиш йил ичида катта қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Совет халқининг ҳар бир авлоди Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга, социализм ғояларини мустаҳкамлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Бизнинг кўпларимиз улуғ Ленининг замондоши эдик, яширин ишда, социалистик революцияни тайёрлаш даврида Ленин раҳбарлигида кураш олиб бордик ва ишладик, Совет ҳокимиятини ўрнатишда, гражданлар уруши фронтларида уни ҳимоя қилишда, хўжалик вайронгарчиликларини бартараф этиш учун курашда, социалистик асосларни қарор топтиришда иштирок этдик. Биз илгари қолоқ бўлган мамлакатни буюк социалистик давлатга — тараққийпарвар инсониятнинг етакчи кучига, бутун дунё халқларининг ишончли таянчига айлантириш тўғрисидаги Ленин орзулари рўёбга чиқишини кўришдек катта бахтга муяссар бўлдик.

Сочларига оқ тушган, лекин қалби ёш биз ветеранлар ўзимизни ғурурланиб, Октябрь партиясининг, ҳозир революцион қайта қуриш партияси бўлиб қолган ғолиб социалистик революция партиясининг жангчилари деб ҳисоблаймиз. Кураш ва ғалабаларнинг унутилмас ленинча сабоқлари, унинг Октябрь революцион анъаналарини ҳимоя қилиш илмини бутун ҳаётимиз давомида ёдда сақладик, шу сабабли биз мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини янгилашнинг яхлит концепциясини яратган ва уни мустаҳкам амалий изга солиб юборган Коммунистик партиянинг новаторларча йўлини зўр мамнуният туйғулари билан қўллаб-қувватлаймиз.

Қийинчиликларсиз янгилашни амалга ошириб бўлмаслигини тушунамиз. Пировард натижада қайта қуришнинг тақдири жамият нинг ҳар бир аъзосига, ҳар бир коммунистга, энг аввало унинг умумий ишимизга қўшган шахсий ҳиссасига боғлиқ. Партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, амалда партиянинг авангардлик ролини ошириш тўғрисидаги Ленин васиятларини бажаришга қаратилган ва оғишмай амалга оширилаётган йўл ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Партия сиёсати ҳаётий кучига, Советлар мамлакати қайта қуришдан янада қудратли бўлиб чиқишига, партия ва халқнинг социалистик практикани қайта қуриш йўлида зўр ғайрат билан ишлаши натижасида Ленин ғоялари ва башоратлари тўла тантана қилишига шак-шубҳа йўқ.

Партия танлаган ва халққа таклиф этган йўл ҳаёт эҳтиёжларига мос келадиган бирдан-бир тўғри йўлдир. Биз ғурур билан ўзимизни Октябрнинг ленинчи партияси кекса солдатлари деб атаймиз, бу партия революцион ўзгартишлар ишини давом эттириш тақдири учун бутун оғир масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олиб, ана шу революцион ўзгартиришларга бошчилик қилаётганига қойил қолмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси бундан 70 йил олдин бўлгани каби, партиядан кучли сиёсий иродани, темир интизомни, ташаббускорлик билан дадил ҳаракат қилишни тақозо этади. Тарихий тажриба шундан далолат бериб турибдики, омма билан бузилмас алоқада ҳаракат қилувчи Ленин партияси бундай улкан вазифаларни ҳал этишга қодир. Ижобий силжишлар ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланиб қолганлиги тасодиф эмас.

Ҳозир кенг авж олган, ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуасини, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган демократик жараёнларни Ленин партияси бошлаб берганлигидан, унинг фаолиятида ленинча принциплар, ленинча иш услуби ҳар қачонгидан кўра тўлароқ таъминланганлигидан биз самимий мамнун бўлмоқдамиз. Партиянинг мамлакатимиз келажагига ишонч билан қараши бизни руҳлантирмоқда. Бутун халқ билан биргаликда туриб қайта қуришни консерватизм кучлари обрўсизлантиришига, авваллари тўсқинлик қилиш механизмини сақлаб қолиш ёки янгисини тузиш учун мавжуд қийинчиликлардан фойдаланишига йўл қўймаймиз.

Ижтимоий ҳаётдаги салбий жараёнлар ва ҳодисаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш йўлини қизғин табриклаймиз. Партиянинг синалган қуроли — танқид ва ўз-ўзини танқиддан кенг фойдаланиш, ошкоралик шароитини ва жамиятни демократиялашни ҳар томонлама таъминлаш ана шу курашга кўп жиҳатдан кўмаклашади. «Демократия кўпроқ бўлса — социализм кўпроқ бўлади» деган сўзлар қалбларимизга чуқур кириб борди. Биз партиянинг пировард мақсадни — социализмни мумкин қадар тўлароқ авж олдиришга эришиш учун ҳамма даражада, барча эшелонларда ишни авж олдириш йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Бу — масаланинг чинакам ленинчасига қўйилишидир!

Ветеранлар ёшларига қарамай, қайта қуришнинг ғоят муҳим проблемаларидан четда турганлари йўқ. Энг аввало — ёш авлодни, бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган кишиларни тарбиялашни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва улар муштарак ишга муносиб ҳисса қўшишларига ишончимиз комил. Биз жамиятни революцион тарзда янгилашнинг ҳамма режаларида партияни қўллаб-қувватлаймиз, уни ўн еттинчи йилнинг октябрида бошланган ишнинг бевосита давоми деб биламиз. Марказий Комитет ўзининг апрель Пленуми, партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари йўлини ўтказиб келаётган собитқадамлик ва қатъийликни ҳар томонлама табриклаймиз.

Ғалабалар қувончини ҳам, мағлубиятлар аламини ҳам, ўнглаб бўлмас жудоликлар оғирликларини ҳам ўз бошидан ўтказган коммунистларнинг кекса авлоди номидан, биз Ленин партиясининг барча аъзоларини, Советлар мамлакатининг барча меҳнаткашларини социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида қайта қуришнинг бориши учун шахсий масъулиятни, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир халқ депутатлари Советининг ташаббускорлиги ва жанговарлигини оширишга даъват этамиз. Ана шу йўлни амалга ошириш учун курашувчи жангчилар сафида революцион анъаналарга содиқ бўлган, ўз ватанини, ўз халқини севадиган ва уларга равнақ ва тинчликни истовчи ҳар бир киши учун жой топилади.

«Биз ҳаммамиз Октябрь фарзандларимиз» деган юксак ватанпарварлик ва масъулиятга тўла формула бизга тушунарли ва қадрлидир. Тарих бугунги кун учун, келажак учун ишлаши, нуқсонларни кўра билишда ва хатоларнинг олдини олишда ёрдам бериши, унинг «мужмал» бўлмаслиги муҳимдир.

Биз учинчи минг йилликка арафасида дунё қирилиб кетиш хавфи остида қолганлигини англаб етишдан умумий ташвишланишга тушиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратиш ғоясини ҳамда Советлар мамлакати, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ана шундай системани амалда рўёбга чиқариш, бу да янги сиёсий тафак ишлаб чиқиш юзасид га оширган ғоят мур дамларни астойдил қ қувватлаймиз. Бизнинг алимиз — қурол-ярог ва зўравонликсиз дун бир халқ ўз тараққиё ни, ўз турмуш тарзи кин танлаб олишга дир ва биз ана шундай учун яшайверамиз.

Партия ветера Улуғ Октябрь соци революциясига қат рига, Совет ҳокимия актив курашчиларга жаатномада революц га, унинг ғалабалари моя қилишга, мамлака да социализм қуриш биз қўшган ҳиссага баҳо берилганлиги партия Марказий Ко тидан, СССР Олий С ти Президиуми ва Министрлар Совет чуқур миннатдорли дан буён ҳам ҳамиш нажон мамлакатимиз люцион тарада ўзгар учун, бутун дунёда тин учун курашчиларнинг со ги сафларида бўлишга деб ишонтирамиз.

Яшасин инсоният да янги даврни бошлаб ган Улуғ Октябрь соци тик революцияси!

Яшасин ҳаҳромон п халқи ва унинг син авангарди — Совет ҳ фоқи ленинчи Коммунис партияси.


Партия ветеранлари:

Имзо чекувчилар:

Н. М. ГОРБОВЕЦ (1911 йилдан КПСС аъзоси); Л. М. ДАШЕВСКАЯ, М. М. КРУСТИНСОН, С. Б. ХОДАКОВА (1912 йилдан КПСС аъзолари); Р. Е. ШАИНСКАЯ (1913 йилдан КПСС аъзоси); К. П. ЧУДИНОВА (1914 йилдан КПСС аъзоси); И. Я. ЗЛАТКИН (1915 йилдан КПСС аъзоси); Н. А. АБРАМОВА, А. Ф. ГОРКИН, А. М. ЗИССЕРМАН, А. И. КОЛПАКОВА, Ц. И. ЛУСКИНА, О. Г. ШАТУНОВСКАЯ (1916 йилдан КПСС аъзолари); А. А. АБРАМОВ, Х. Х. АЛЛИК, К. П. БАЛАКИНА, Е. Я. БАРСКАЯ, В. В. БЕРДНИКОВА, Н. И. БУРЦЕВ, А. А. ВАРТАНЯН, К. П. ВАСИЛЬКОВСКИЙ, М. С. ВИНОГРАДОВА, Ф. П. ВОВЧЕНКО, П. Я. ВОРОНОВА, Е. И. ВОРОТНИЦКИЙ, Е. А. ГИЛЯРОВА, З. П. ГОРСКИЙ, Я. И. ГРИТЧИН, В. И. ГУДКОВ, Г. Г. ГУСТАВСОН, С. М. ДЛУГОЛЕНСКАЯ, Ф. С. ДОРОФЕЕВ, Д. С. ЖИРКОВА, А. А. ЗЕМЕЦ, Д. Ю. ЗОРИНА, С. М. ЗУБОВ, О. Ф. ИЛЬИНА, Ф. И. ИТКИНА, Ц. А. КОГАН, В. К. КОНСТАНТИНОВ, А. И. КОССОЙ, С. С. КРАВЧУК, В. Т. КРЕТОВ, И. Б. КРИЛОВ, Б. В. КУБАСОВ, Л. Л. КУЗНЕЦОВА, Е. Н. КУКИНА, Р. И. ЛЕВИКОВА, И. Х. ЛЕВКОПУЛО, Э. И. ЛЕЗДИНЬ, К. А. ЛИПИНСКАЯ, Д. М. ЛОГИНОВ, С. И. МАЛАШКИН, Н. Б. МАХАРАДЗЕ, П. Я. МЕНДЭ, Ф. З. МИНАЙЛЕНКО, С. М. МИНАЙЧЕНКОВ, С. М. МХИТАРОВ, К. П. НАРБУТ, Л. А. НЕВСКАЯ М. Т. НАГОВИЦИН, Л. Л. ОЛЬШЕВСКАЯ, А. М. ОРЛОВА, О. В. ПАНОВА, Л. Р. ПОРТНОВ, Х. Д. ПРОХОРОВА, Д. А. РАХМАН, М. С. РЕЙСЕР, С. И. РЕМИЗОВ, М. Н. САБАШНИКОВ, А. С. САМОЙЛОВ, В. В. СЕМЕНЧЕВ, П. Г. СЕНЬКОВ, Ф. В. СЕРЕГИН, К. П. СИНОЗЕРСКИЙ, Е. П. СИТКОВСКИЙ, Ф. Л. СЛАВИНА, Н. Н. СОКОЛОВ, В. Т. СУХОРУКОВ, Н. ТАСИМОВ, А. И. ТИМОФЕЕВ, А. П. ТУРПЕНКО, Ю. Н. ФЛАКСЕРМАН, М. Ф. ХАБОВСКАЯ, Л. С. ЦЕЙТЛИН, Я. Д. ЧАНИШЕВ, С. Г. ЧЕРЕМНИХ, Ф. И. ЧИКИРИСОВ, М. А. ШАМБЕРГ, Г. А. ШАЦКИЙ, А. К. ШУК, Г. М. ШУЛЬКИНА, Е. А. ЭТИНГОФ (1917 йилдан КПСС аъзолари); Е. М. АРУТЮНЯН, А. А. ВАРГАНОВ, С. С. ГРИГОРЯН, В. И. КИСЕЛЕВ, Е. С. САРКИСЯН, Ф. Н. ШЛЕМОВА-ОХУНДОВА (1918 йилдан КПСС аъзолари); А. ОРТИҚОВ, Д. Ш. БАЙРАМОВА, А. К. КАЗАРЯН, В. С. КРАСУЛИН, И. К. МАТУСЕВИЧ, М. С. ПОБЕДОНОСЦЕВ, Н. В. ПУЛЬКИН, А. М. РИЖОВ, Н. В. СИМОНОВ, Э. Э. СМИЛГА, А. М. ШУВАЛОВ (1919 йилдан КПСС аъзолари); М. ИДИЕВ, И. П. ЛОПУХОВ, Ф. С. МОИСЕЕВ, Р. А. ЧЕРНЯХОВСКИЙ (1920 йилдан КПСС аъзолари); И. В. БАБАШКИН, А. В. БУЛАТОВ, ЖАШИ, А. М. ИПМАГАНБЕТ, Д. А. ПОЛТАЕВА (1921 йилдан КПСС аъзолари); К. А. НЕЦОВ (1922 йилдан КПСС аъзоси); Ф. С. КРОЙТОР, СТИРОВ (1924 йилдан КПСС аъзолари); К. И. ВАСИЛЕНКО, С. А. ВОЛКОВ, С. А. МАКАГОНОВ, Б. Г. ПАКИН, А. И. ЗАНОВ (1925 йилдан КПСС аъзолари); А. А. ВЕТРОВ, ГРОМОВ, М. В. КАЛЯКИН, Н. И. МИНИН, Ф. Ф. СИВОУС, И. П. ТУРЧИН, Н. Д. УНДАСИНОВ (1926 йилдан КПСС аъзолари); Г. Н. МИНЧУК, М. Д. КОЗИН, Н. И. ПЛОТНИКОВ, ШУРИГИН, (1927 йилдан КПСС аъзолари); А. С. ВЛАСОВ, Г. А. САЕНКО (1928 йилдан КПСС аъзолари); М. К. БАРАМОВ, Ш. ИМАНАЛИЕВ, А. Г. РИЖКОВ Р. Я. ШАРМАН (1929 йилдан КПСС аъзолари); М. И. БОРДОНАЙТЕ (1930 дан КПСС аъзоси); П. Д. БОРОДИН (1932 йилдан КПСС аъзоси); В. Н. НОВИКОВ (1936 йилдан КПСС аъзоси); Н. ДЯГИН (1937 йилдан КПСС аъзоси); Н. И. ГОЛУБЕВ, А. ЧМИГА (1938 йилдан КПСС аъзолари); Д. П. БАСКИН, М. И. НОВОХАЦКИЙ, А. П. ШИТИКОВ (1939 йилдан КПСС аъзолари); М. А. ЖОХОВ, К. Т. МАЗУРОВ (1940 йилдан КПСС аъзолари) ва бошқалар. Мактубга 901 киши имзо чекди.

Зарбдор қурилиш одимлари

Кейинги станция — «Ташсельмаш»...



БУГУН УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ТОШКЕНТЛИК МЕТРОСОЗЛАР ЯНА ИККИТА СТАНЦИЯНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИЛАР

Чиндан ҳам бугун метросозларнинг юзлари ёруғ. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Одатдаги меҳнат анъанасига кўра Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида улар узунлиги 3,6 километр бўлган линияни фойдаланишга топширдилар. Мазкур линияда иккита станция — «Ташсельмаш» ва «Чкалов» бекатлари мавжуд.

Энди вагон селекторлари орқали «Кейинги бекат «Ташсельмаш», сўнгги бекат «Чкалов» деган сўзлар янграйди.

Метросозлар юбилей вахтасида чиндан ҳам зарбдорона меҳнат қилдилар. Ер остида бир дақиқа ҳам ишлар тўхтамасдан давом этди. Улар қисқа муддат давомида жуда катта ободонлаштириш ишларини амалга оширишга муяссар бўлдилар. Станцияларнинг чиройи очилди. Улар лойиҳа кўринишидаги тасвирга эга бўлдилар. Айниқса, «Ташсельмаш» станциясининг чиройи янада очилди. Бу бекат метрополитеннинг бошқа станцияларидан ўз конструкцияси жиҳатидан мутлақо фарқ қилади. Ярим доира шаклидаги гумбазлар остига ферузаранг қандиллар ўрнатилган. Устунлар мармар ва гранитлар билан қопланган. Станция деворларида машинасозларнинг меҳнат фаолиятига бағишланган панноларни ҳам кўриш мумкин.

Ниҳоят самолётсозлар шаҳарчасига борувчилар ва бу ерда яшовчилар ҳам ўз орзуларига етдилар. Чунки «Чкалов» станциясидан чиқувчи йўлларнинг бири тўппа-тўғри завод территориясига олиб боради. Ишчилар метродан чиқадилару, тўғри заводга кириб борадилар.

Ишга туширилган янги станциялар хизматчилар билан комплектланиб бўлинди. Белоруссияликлар методи асосида ишлаш, ишчиларни аттестациядан ўтказиш янги бекатларни кадрлар билан таъминлаш имконини берди. Бундан ташқари ҳар икки бекат замонавий техника восталари билан жиҳозланган. «Чкалов» станцияси ҳам ўзига хос усулда ишланган. Шифтлардаги чироқлар кишига қандайдир космик фазони эслатиб тургандек бўлади. Деворларда Чкаловнинг фаолиятига бағишланган паннолар бор.

Бугунги байрам шодиёналари кунида ана шу икки станцияда меҳнат қилган барча метросозлар чинакам меҳнат намунасини кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, тошкентликларга байрам арафасида бир-биридан гўзал икки ер ости қасрини туҳфа этган метросозларни ҳамшаҳарларимиз номидан байрам билан қизғин қутлаймиз...

Метро қурилиши давом этажак. Унинг янги линиялари шаҳарнинг энг катта Қорақамиш ва Юнусобод массивлари сари давом этмоқда.

М. ХАЛИЛОВ.

СУРАТЛАРДА. «Ташсельмаш» станцияси навбатчилари Раиса Юсупова ва Саломат Турсунова ҳамда ана шу станциянинг ички кўриниши; иккинчи суратда «Чкалов» станцияси ички қисмининг умумий кўриниши ҳамда деворга ўрнатилган паннолардан бири.

Ш. Иброҳимов фотолари.





«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён

Хоразм	0,73	82,85
Бухоро	0,92	82,07
Сурхондарё	1,43	78,76
Тошкент	0,96	73,84
ҚҚАССР	0,94	72,64
Жиззах	1,14	72,07
Сирдарё	0,87	68,26
Фарғона	0,34	63,99
Қашқадарё	0,85	57,02
Наманган	0,59	56,07
Навоий	0,92	52,37
Самарқанд	1,41	51,11
Андижон	0,08	50,04
Республика бўйича:	0,84	66,13

Отахонлар ғайрати

Шаҳримиздаги Ҳамза, Киров районларидан 200 дан ортиқ отахон ва онахон Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози далаларига чиқиб, теримда иштирок этди. Ҳамза районидаги «Бирлашган», «Висол» маҳаллаларининг кексалари пахта теримида намунали ғайрат кўрсатишди. А. Умаров, А. Аширматов, М. Қосимов, Н. Калонов, М. Исамуҳамедов каби отахонлар 22—25 килограммдан пахта териб бердилар. Ҳашарчиларнинг терган пахтаси 3500 килограмм бўлди.

85 ёшли Қосим ота Исахонов бундай деди:

— Биз кексаларнинг суяги пахтада қотган. Унинг бир чаноғи ҳам гавҳардек азиз эканлигини яхши биламиз. Маҳалла чойхонасида далага ҳашарга бориш ҳақидаги хабар эълон қилинганида ҳаммамиз бу таклифни қувватладик. Ёшим катта бўлса-да, ҳали бақувватман. Ҳиммат кўрсатиб 10 килограмм пахта тердим.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

БИЗ ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ

Маорифчилар ҳиммати

Собир Раҳимов райони маориф ходимларидан тузилган «Педагог—87» ёрдамчи бригадаси аъзолари ўтган ойнинг бошидан буён Сирдарё областининг Оқолтин районидаги У. Юсупов номли совхозининг 7-бўлими пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Теримга 80 нафар ўқитувчи жалб қилинган дейди, — ўқитувчилар бригадаси бошлиғи Мусулмонқул Рўзиев. — Уларнинг аксарияти ёшлардир. Партия ва ҳукуматимизнинг даъватига биноан кунига 2 тоннага етказиб пахта йиғиштириб олаяпмиз. Биз ёрдам кўрсатаётган бўлим пахтакорлари бу йил 1, 603 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача бу кўрсаткичнинг учдан бир қисми эгалланай деб қолди.

Далаларда ҳосил мўл. Обҳаво оғирлашгани сайин даладаги ҳосилни йиғиштириб олишда қийинчиликлар туғилмоқда. Аммо бундан беминнат кўмакчилар саросимага тушиб қолишмаяпти. Улар ҳар бир дақиқанинг қадрига етган ҳолда иш кўрмоқдалар. Айниқса, Жўра Ражабов, Эркин Омонов, Ҳабиба Мирзаева ва Пардавой Азизмуродовлар бу борада алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Бригадамиздаги Коля Балук, Ойша Абдуллаева, Тоҳир Салимов, Саша Саушкин сингари жонкуяр мураббийлар эса бўлим пахта хирмонини юксалтиришга алоҳида улуш қўшишмоқда.

Ҳашарчилар кўнгилли дам олишига совхозда тузилган махсус агитбригада қатнашчилари ёрдам бермоқдалар. Бадиий фильмлар намойиш этилмоқда. Бундан ташқари улар ўз вақтида марказий ва маҳаллий нашрларнинг янги сонлари билан танишиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз халқлари ҳаётида катта тантаналар нишонланаётган бугунги кунда ҳашарчилар ҳосилни нобуд қилмай тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун унумли ишлашмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: **пешқадам теримчи-ўқитувчилар О. Абдуллаева, С. Саушкин, ва Т. Салимов; хирмонга.**

Автор фотолари.







Мардлар майдонга

Пахтазор илҳомлари

Ёшу қари,
иродали
юзминглаб одам,
Элу юртнинг ундовига
жон фидо дедн.
Барча бир тан,
бир жон бўлиб
пахтазор сари
Узин тинчлик
посбони, деб
белин боғлади.

Кўз ўнгимда
даҳшатли жанг...
фашист билан
олишув дамлар,
Кучга тўлиб,
шердек бўлиб
ғолиб чиққанмиз.
Оғир йиллар
Ватанимиз иродасини.
Жон олиб —
жон бериб
ижро этганмиз.

Узоқ йиллар ўтса ҳамки,
ул қаро кунлар
Ветеранлар хотирасин
ҳамон чулғайди.
Миллионлаб қурбонлар,
жувонмард жонлар.
Аламларн қалбимизни
ҳар дам тирнайди.
Пахтазорлар!
Мана, дилда шижоат,
ғайрат,
Бу шижоат барчамизга
кураш қалқони.

Пахтазор бу — бутунги
ғайратнинг
Қаҳрамонлар ўсиб-унган
мардлар макон
Бахтимиз ҳам, тахтимиз
унга чорлар
Қалбимиз ҳам, келажак
унга боғлар

Санд Азим

Улуғ Ватан урушн
чиси, меҳнат ветерани.

Биз — интернационалистлармиз

— «Биз — интернационалистлармиз» — деб аташади ўзларини тўла ҳуқуқ билан Тошкент экскаватор заводи меҳнатчилари. Бу эса конкрет ишларда намоён бўлиши керак. Корхонада ишлаб чиқилган машиналарни пишиқ-пухталиги, самарадорлиги, хизмат кўрсатишдаги оддийлиги учун жуда кўп мамлакатларда қадрлайдилар. Лекин давр янада такомиллашган ер техникасини ўзлаштиришни тақозо қилмоқда. Бу ҳақда Октябрь байрами арафасида заводда ўтказилган интернационал дўстлик кечасида гапирилди.

Кечада кўпгина миллатларнинг ишчи сулолалари вакиллари, ёш ишчилар, Афғонистонда ўз интернационал бурчини бажариб, Ватанга қайтиб келган ёш ишчилар, оталиқдаги мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари қатнашдилар. Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатидан келган студентлар ҳам дўстлик кечасига ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар «Ўзбекистон —70 йил тараққиёт йўлидан» виставкаси билан танишдилар. Республикамиздаги энг кекса корхоналардан бири — экскаватор заводига виставкада катта ўрин берилган. Машҳур сулолалар вакиллари — Нурмуҳамедовлар ва Белоусовлар виставкага қўйилган экспонатлар ҳақида меҳмонларга сўзлаб бердилар. Учрашувда истиқболдаги режалар — келаси йили чиқарила бошланадиган экскаваторларнинг янги туркуми ҳақида ҳам сўз борди.

(ЎзТАГ).

КАСПАРОВ—КАРПОВ МАТЧИДА

Кеча кечиктирилган ўн зинчи партия давом этт ди. Мутахассисларнинг минларни тўғри чиқди. 70-ҳ дан сўнг томонлар дурр розн бўлишди. Умумий ҳам тенг — 4,5:4,5. Б ўнинчи партия ўйналад доналар жаҳон чемпион ри Каспаровнинг ихтиё бўлади.

Редак

Т. М. ҚОЗОҚБОЕ

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-56; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-55-36; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42. 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 11099. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши позним). Б. 2504. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.